

ОХУНЖОН СОБИРОВ


САРЧАШМА
АДИБ
ИЖОДИДА



ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ — 1975

Ушбу рисолада Абдулла Қодирий роман-
лари бадиятини ташкил этувчи баъзи омил-
ларга халқ оғзаки ижодининг кўзгулари орқа-
ли ёндашиб, ёзувчи ўз асарларида халқ оғзаки
ижодидан кенг фойдаланганлиги қизиқарли ми-
соллар асосида ёритилган.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўл-
жалланган



С $\frac{70202-305}{355(06)-75}$ 129-75

Реалистик адабиётнинг муҳим белгиларидан бири унинг кенг меҳнаткаш оммага манзур бўлиши, авлодлар муҳаббатига сазоворлигидир. Тилларда дoston бўлган «Ўтган кунлар» ва «Меҳроблан чаён» тарихий романлари муаллифга шунчалик катта шуҳрат келтиргани бежиз эмас. Муболағасиз айтиш мумкинки, «Ўзбек совет адабиётининг классиги» (И. Султон) Абдулла Қодирий романларидан таъсирланмаган, ундан ўрганмаган, озиқланмаган бирон ўзбек ёзувчиси бўлмаса керак. Ўзбек хонандаларида бу асарлар қўшиқ бўлиб янгради, эртак, дoston каби ўқилди, қўлдан-қўлга ўтди. «Романинг босилиб чиқиши бир эртакка айланган...», — деб хотирлайди ёзувчининг катта ўғли Ҳ. Қодирий¹. «1926 йили Тошкентда Нариманов номли педтехникумда ўқиб юрганимизда ёзги таътил кезлари Кўктеракдаги Мойқўрғон мавзеида билим юрти ихтиёрига ўтган қўйчи Абдурахмонбойнинг боғида узум қўриқлаб яшардик. Купдуз куни дўстларимиздан Ғулом Каримов, Баҳодир Шарофий, Маҳмад Файзи ва мен биргалашиб Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романини галма-гал шундай ўқишга киришиб кетибмизки, узумларни чуғурчуқлар еб кетса ҳам билмай қолибмиз», — деб эслайди республика микёсидаги пенсионер Оқил Соатов.

Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейининг катта илмий ходими, филология фанлари доктори, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби Солиҳ Муталли-

¹ Ҳ а б и б у л л а Қ о д и р и й, Отам ҳақида. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1974, 124-бет. Бу ҳақда мазкур китобнинг «Ўтган кунлар» китобхоналар қўлида», «Хатлар, нашрлар, таржималар» бобларига қаралсин. Муаллиф қавс ичида «хатто романини ўқийвериб ёдлаб олувчилар ҳам бўларди», деб хотирлайди.

бовнинг хотирлашича, Тошкент шахрининг Пичоқчи маҳалласида яшаган косиб Шомақсуд ота «Ўтган кунлар» романининг I қисми (1924) босилиб чиқиши биланоқ ўз ўғиллари — косиблар Шоабдурахим, Шоабдужалил ва Шоабдуқодирларни ишдан қолдириб Солиҳ акага икки кун ўқиттириб эшиттирган, романининг II ва III қисмлари босмадан чиққанда ҳам шу тариқа ўқиттирган экан. Роман ўша кезлари, ундан кейин ҳам саводли ва саводсиз аҳоли орасида кенг тарқалган.

Элимиз одобли, ростгўй, шаънига гард юқтирмайдиган номусли, андишали, мард йигитларни ҳурмат ва эҳтиром юзасидан Отабек деб тилга олади, эъозлайди. Кумушбиби образининг ҳам турдош от бўлиб кетганлиги ҳақида таниқли адабиётшунос Тўхтасин Жалолов қуйилагиларни ёзади:

«Машҳур ўзбек адиби Абдулла Қодирий яратган бу ажойиб аёл образи Камолитдин ёшидаги йигитлар учун гўзаллик, латофат ва назокат рамзи бўлиб қолган эди. Эсинида бор. Меннинг келтирилган ўз рафиқаларининг Кумушдек бўлишини орзу қилар, сулувроқ қизларни учратганда улардан Кумушчаги фазилатларни қидирардилар. У вақтларда, кирои хотининг бўлса Кумушдек бўлсин, деган орзу йигитлар оғзидан тушмас эди»².

«Саодат» жўналида «Қизлар йигитлар ҳақида» деган баҳсда (1970, II-сон) кизларга тарқатилган ўн саволдан саккизинчисига («Сизга ёққан йигит биронта асар қаҳрамонига ўхшайдими?») Вазира исмли қиз шундай жавоб берибди: «Отабек. Агар йигит бўлсам, Кумушбиби учун жонимни аямасдим».

Абдулла Қодирий бу икки тарихий романни ёзишдан кузатган мақсадини шундай ифодалаган эди: «Модомики биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар йўсинда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз ва шунга ўхшаш дostonчилик, романчилик ва ҳикоячиликларда ҳам янги асарлар яратишга, халқимизни шу замоннинг «Тоҳир ва Зухра»лари, «Чор дарвиш»лари, «Фарҳод ва Ширин» ва «Баҳромгўр»лари билан таништиришга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз»³. Дарҳақиқат, ёзувчи халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётда узоқ за-

² Тўхтасин Жалолов, Олтин қафас, Тошкент, «Еш гвардия» нashриёти, 1962, 8-бет.

³ Абдулла Қодирий, Ўтган кунлар, Ғафур Ғулом номидagi адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1974, 3-бет.

монлардан бери нақл қилиниб келган ошиқ-маъшуқалар ҳақидаги афсоналар, дostonларни ўқиб, ўрганиб, даври-мизнинг буюк инқилобий ўзгаришларидан: совет воқе-лигидаги кескин синфий курашлар тўлқинидан илҳом-ланиб, яқин ўтмишда содир бўлган тарихий воқеалар замирида бадиий оригинал образлар яратдики, улар учун саргузаштлик ёки афсонавийлик эмас, балки чуқур ҳаётийлик, реалистик руҳ хосдир. У тасвирлаган севиш-ган ёшлар кечмиш давр кишилари бўлсалар-да, инди-видуаллашган тўла қонли образ сифатида ўзларининг миллий хусусиятлари, ажойиб инсоний фазилатлари, бой маънавияти, покиза ахлоқи ва меҳригиёси билан бизга ҳамнафасдай туюлади. Зотан, ёзувчи севги қис-сасини отаси ҳикоя қилгандек, эртақнамо шаклда бир бошдан текис сўйлаб бермайди, балки севгига мубта-ло бўлганларнинг қалб зарбни, ҳиссиётини ўз бошидан кечиргандай ҳарорат билан тасвирлайди. Яъни у ўз қаҳ-рамонлари билан севги сирларини бирга шивирлашди, висол дамларини бир олам севинч билан қутлади, Ку-мушбиби мотамини кўз ёши ва қон билан битди, хон зулмини биргалашиб лаънатлади, меҳробдан чиққан чаёнларга кафан бичди. Бу рисолада биз Қодирий ро-манларида реализмни таъминлаган омиллардан бири, адиб ижодининг сарчашмаси — халқ оғзаки ижодининг анъаналари таъсири хусусида тўхталамиз.

*Муҳаббат бир боло шайдир,
Гирифторм ўлмаган билмас.*
Ф у з у л и й

«Ўтган кунлар» романининг дастлабки саҳифалари бевосита муҳаббат нима, деган саволга жавоб беришдан бошланади. Икки бир-бирига зид синф вакили — Ҳомид ва Ҳасанали билан Отабекнинг ишқ, оила, аёллар бобидаги икки қутб қараши ва муносабати бериладики, бу шунчаки бир гап бўлмай, балки уларнинг амалий ҳаракатини бошланиш нуқтаси, маънавиятининг белгилловчи мезони бўлиб қолади.

Ҳасанали ота Отабекка севги борасида ўнгит бериб айтади: «...муҳаббат жуда оз йигитларга муяссар бўладиган юрак жавҳаридир»¹. Отабек бунини жуда яхши тушунади. У оила тузишда икки томоннинг бир-бирига мойил ва кўнгил қўйган бўлиши шартлигини таъкидлаб. Раҳматнинг бу «нозик» ишдаги фикрини қувватлайди: «Сўзингизнинг тўғрилигига шубҳа йўқ, — деди, — аммо, шуни ҳам қўшмоқ керакки, оладиган хотинингиз сизга мувофиқ бўлиши баробарида эр ҳам хотинга мувофақаттабъ (таъбига мос, муносиб) бўлсин». Отабекнинг бу сўзлари тенг-тенги билан... халқ мақолидаги фикрни шарҳлагандай бўлади, ёхуд: «Кимнинг майли кимда бўлса...» деган халқ қўшиғини эслатади. Айтилганлардан аёлларга чуқур инсоний ҳурматда бўлиш, унинг истакларини қадрлаш зарурлиги маъноси келиб чиқади.

Бойвачча Ҳомид сармастлигидан аёлларни итоаткор чўри, кайф-сафо бўюми деб билади, ўрганган кўнгил ўртаиса қўймас, деганларидек, хотинбозлик, хотин ус-

¹ «Ўтган кунлар», 28-бет. Бу фикр бошқа бир ўринда совчи тилдан яна такрорланади. «Муҳаббат деган нарса жуда оз кишиларга насиб бўладиган бир дурри бебаҳодир, — деди Зиё ака» (43 бет. Бундан кейин олинган мисоллар бети қавс ичида берилади).

тига хотин олиш унинг азалий одати. «Қамчинингдан қон томса, юзта хотин орасида ҳам роҳатланиб тириклик қилоласан! Мен бу кунгача икки хотин ўртасида туриб жанжалга тўйганимча йўқ, аммо хотинни учта қилишга ҳам ўйим йўқ эмас!»,— дейди (12-бет). Ҳомиднинг жияни Раҳмат шу суҳбатда тоғасининг қилиб юрган ишига, фикрига қўшилолмайди: «Хотин кўпайтириб, улар орасида азобланишнинг нима ҳикмати бўлсин? — деди. — Бир хотин билан муҳаббатли умр кечирмак, менимча, энг маъқул иш. Масалан, икки хотинлиkning биттаси сизми? Уйингизда ҳар кун жанжал, бир дақиқа тинчлигингиз йўқ» (12-бет). Абдулла Қодирий Раҳмат тилидан бу гапларни ўртага ташлаганда:

Эшак мингanning оёғи тинмас,
Қўш хотинлиkning қулоғи тинмас,—

деган халқ ҳикматлари,

Том устига том солдим,
Устига болохона;
Ёр устига ёр олдим,
Ётишим сомонхона,—

сингари истеҳзоли кулги билан йўғрилган аччиқ ҳақиқатларни назарда тутган бўлса ажаб эмас.

Кундошлик—кўнгилик—ғашлик. Синфий жамиятда кўп хотинлилик содиал заминга эга бўлган иллатдир. Шариат эркаклар учун тўрт хотин олишга йўл қўйгани ҳолда, эр ҳуқуқини феодал-патриархал урф-одатларга асосланиб аёлларга нисбатан юқорилигини қонун билан мустаҳкамлаган эди.

Кундошлик—романда ўзак масалалардан ҳисобланади. Отабек, Ҳасанали бу масалада юқоридаги халқ қўшиғида таъкидланган кинояли аччиқ фикр тарафдори. Хотин устига хотин олган бойваччанинг аҳволидан қулиб, уни мазах қилаётган деҳқон гўё ниқоб ичида туриб сўзлайди. Лекин романда бу муҳим масала турмушда кучли ички зиддиятлар туғдирадиган ҳаёт-мамот масаласига айланади, Отабек ва Кумушнинг тақдирини ҳал этади. Соф муҳаббат, эзгу-ниятлар ойнаси қабоҳат ва разолат тошига урилиб, чилпарчин бўлади. Отабек (Тошкентда эътиборли, баобрў кишининг ўғли бўлишига қарамай) ва Кумушнинг ўртанган юраги мудҳиш фалокатлар гирдобиди азобланишга мажбур бўлсаларда, маълум вақт қовушадилар. Кундошлик балоси зим-

дан ғалаён кўтариб, бамисоли совуқ шамол, изғирин-офат бўлиб севги гулига чанг солади, ҳаёт гулзорини пайҳон қилади; икки севишган қалбнинг кулини кўкка совуради, кўнгил уйини хонавайрон этиб, яна аввалгидек ҳаётда ёвузлик, чиркин қонунлар ҳукмронлиги давом этади.

Абдулла Қодирий образларнинг ички ҳиссиёт дунёсини жозибали чизиш устаси. У, Отабекнинг руҳий ҳолатини — ота-она орзуси туфайли туғилган кўнгил ғашликини таъсирли ифодалаш учун халқ қўшиғига мурожаат қилади:

Кўккина каптар бўлиб,
Учсам қанотимни сузиб...
Булбулигўё эдим,
Синди қанотим қайрилиб...

Отабек паришонхотир Марғилонга отда кетар экан ҳаёли чигал, таъби хира. Ёзувчи унинг зиддиятли психологик кечинмасини фост нозик белгиларла маҳорат билан чизади:

«Унинг қалдирғочлик қаноти ота-она муқофоти билан қайрилган. Унга учғали эрк бермайдилар. Лекин ҳайвон, унинг қайрилган қанотига қарамасдан, ўзининг эски одим ташлашида қирлар, тоғлар ошиб, сувлар кечади...

Узоқда қўш ҳайдаб юрган йигитнинг ашуласи эшитилади: «Икки ёрни ажратувчи бу фалакнинг гардиши!» — руҳли, кучли кўкракдан чиққан бу ашула тева-ракни зир эттириб юборгандек Отабекка ҳам бошқача бир таъсир беради. Гўё бу деҳқон унинг истиқболдан ҳикоя қилгандек бўлади. Бу байт деҳқоннинг оғзидан яна такрорланиб, тағин тева-ракни янгратади. Энди Отабекнинг кўнглидан бир гап ҳам ўтиб кетади: «Икки ёрни ажратувчи бу фалакнинг гардиши эмас, отонанинг орзуси!» Ўзининг сирли маъносига Отабекнинг истиқболини олиб кўринган бу байт ниҳоят уни йиғлатади. Кўз ёшлари юзи орқали эгарнинг қошига ва отнинг ёлига тома бошлайди...» (142—143-бетлар). Шу тариқа деҳқоннинг мунгли ашуласи (ашуласи эмас, балки унинг ҳам бахтиқаролиги) Отабекнинг бутун борлигини сирқиратди, зор-зор йиғлатди, кўнгли вайрон бўлиб бир ҳолатда ўша қадрдон ёр кўчасига кириб борди, ўздан ўтди ўзи билди, ҳеч кимга ёрилмади. Додини кимга ҳам айтсин! Ахир, ота-она орзуси деб унинг из-

зат-нафси ҳақоратланди. Шу алпозда Отабек «отнинг бошини ўз ихтиёрига қўйган, илгаригидек юрак ошиқшилари ичида отни тез юришга қистамай, сувга тушган нондек бўкиб, бўшашиб, юз хил совуқ, ярамас хаёллар қўлида эзилиб, ўзининг дунёда борми-йўқлигига ҳам тушунмай кета берди (141-бет). Ҳов яна бир қалдирғоч, тўғрига қараб ўқдек отилиб борадир, учган йўлида вижир-вижир сайраб ҳам қўяди. Қалдирғочнинг қайғуси йўқ, севганининг олдига тезроқ етиш учун шошадигандир, сайроғи ҳам севганини кўриш шодлиги учундир... Бахтли қалдирғоч олган совғаси ҳам кўрқинч эмасдир, ота-онасининг ҳам орзу-ҳаваслари йўқдир! Уларнинг турмуш қонунлари жуда енгил, иков-иков, севган-севганни оладирлар-да тоғларда, ерларда, кўкларда учиб юра берадирлар... Мен ҳам шу қалдирғочдек, унинг сари отилиб, вижир-вижир сайраб учар эдим» (142-бет).

Ёзувчи бу рамзий тасвир ёрдамида қаҳрамон руҳи ичига киради, унинг кўнглида ғалаён кўтараётган фикрлар курашини чуқур туйғулар қуршовида намойиш этади. Яъни, Отабек севгида тенглик ҳақидаги тушунчаси эркин қуш каби кенг фазоларда яйраш орзуси билан бирикиб, ҳаётда ҳукмрон феодал ахлоқ нормаларига мутлақо зид келадиган йўлни ҳимоя этишга қатъий қарор қилгандай бўлади. Бироқ чиркин урф-одатлардан бири, кундошлик хуружи айниқса Қумушбибини зил кеткизади: у бу масалани рўкач қилиб, Отабекни узиб-узиб олса-да, унга ишонади, баъзан гумонсирайди, дафъатан ҳаёлини қуюқ туманлар қоплайди. Отабекнинг зўрма-зўраки Зайнабга уйланиши билан унинг кўнгли ғашликдан қутулмайди. Айниқса, Қумушбибининг Тошкентга келиши билан бу кўнгил ғашлик истар-истамас хавф-хатарга айлана боради. Чунки Отабек, ёзувчи бир неча ўринда алоқида таъкидлаганидек, икки йилдан бери Зайнаб қаршисида гўё ҳайкалдек қиссиз, жонсиз бир ҳолатга тушар эди. Тўғрироғи, у Зайнабга нисбатан кўнгли муз, дардсиз кесак. Қумушбибининг ой-куш яқинлашган кезларда «...Отабек шунчалик хафа, чунки Қумушни кўрган сайин, уста Олим фожиасини хотирлар эди». Отабекдаги бу ғамгинлики ёзувчи рўй бериши кутилган бир ҳол деб изоҳлайди. «Кундошлик уйда кунда жанжал!» деганлар. Албатта, буни айтувчи киши ўйламасдан ва билмасдан айтмагандир. Жилла, ҳар куни жанжал бўлмаганда ҳам, ҳафтада, ўн кунда

бир тўполон чиқмаса, албатта, кундошни кундош, деб бўлмас» (365-бет). Бу фикрни аввалдан чуқур ҳис қилган Юсуфбек ҳожи калондимоғ хотинининг енгил мулоҳазаларини кўзда тутган ҳолда, унга (Кумушнинг Тошкентга келиш хабарини эшитиб) қараб: «Гап унда эмас, — деди ҳожи, — умр, мураса деган гаплар бор, айниқса кундошлик иши қийин, коса-косага текканда ғиди-ғиди гаплар кўпайса, бизга эмас, ўғлингга ҳам татимай қолади» (311-бет).

Ўзбек халқ қўшиқларининг бирида «кундошликнинг дастидан коса-коса қон ютдим» дейилса, иккинчисида кундошлик — бахтсизликдир тушунчаси берилади. Бундай қўшиқни «бошидан ўтган табиб» — аёллар тўқиган. Кундошлик фожиаси романнинг «Кундош кундошдир», «Зимдан адоват», «Хушрўйбиби ва Зайнаб», «Эсини киргизди» бобларида мукаммал, ишонарли ёритилган. Бир-бирининг пайини қирқишни пайт пойлаб юрган кундошлар ҳар қандай ёвуз ишга қўл уришдан тап тортмаганлар, қайтмаганлар (болаларнинг ўқитиш, суҳбатчилик, молларини ўғирлаш, чақимчилик). Кумушнинг ўлимига ҳам кундошлик сабаб бўлди, у заҳар қўшилган аталани тотиниб, жон берди.

Кунда қайнатар мошин,
Териб ташламай тошин;
Ўлдирсанг ҳам ичмайман,
Кундошим қилган ошин.

Халқ қўшиғи гўё Кумушбибилар тилидан айтилаётганга ўхшайди. Кундошлик аламини, жафосини тортаторта юраклари хун бўлган аёллар ўтмишда ўзларининг бахтсиз қисматлари ҳақидаги нафратли туйғуларини қўшиққа солганлар.

Қўшиқ мазмуни билан Кумушбинининг ўлими сабабидаги ўхшашлик ёзувчи тасвирининг ҳаётийлигини тасдиқлайди.

Кундошликни қарғаган халқ қўшиқларида феодализм даври шароитида омманинг бу масалага қарashi, коллектив ижодга хос йўлда содир бўлган воқеа натижаси ҳақидаги фикр ростгўйлик билан ифодаланган. Абдулла Қодирий романда айниқса Отабек, Кумушбиби, қолаверса Мирзакарим қутидор, Офтоб оғим, Юсуфбек ҳожи тилидан бу ишда кўнгилсиз ҳодисалар кутилишини аниқ сезиб сўз айтганларида ёки чин севгини

улуғлаганларида уларнинг фикри юқорида келтирилган халқ қўшиқлари билан руҳан ва мазмунан ҳамоҳангдир; қўшиқлардаги хулосали фикрлар роман қаҳрамонлари муносабатининг кескинлашувида ҳамда воқеалар оқими оқибатида тасдиқланади.

Биз бу ўринда ёзувчи халқ қўшиқларидан ижодий фойдаланди демоқчи эмасмиз, балки унинг реалистик тасвир усули чуқур ҳаётий ҳақиқат заминига қурилганлигини қайд этмоқчимиз, холос, чунки халқ қўшиқлари ҳам ана шу ҳаёт чашмасида бунёдга келган.

Романнинг Кумушбиби ўлимига бағишланган бобларини ўқиганимизда чарх кажрафторининг бу нохуш, кутилмаган ишларига лаънатлар айтиб ўкинамиз.

Кумушбиби қабрига қўйилган мармар тошга «Бунда мадфун кундош балосининг намоён бир қурбонидир» деб битилган сўзларда тақдирнинг тақозаси, кўргулик, оллонинг иродаси каби ақидалар рад этилади. Лавҳадаги тўрт йўл шеърда гарчи Отабекнинг шахсий мотамсара кайфияти, мусибат юкидан қадди букилган, яраланган қалбнинг оҳи, нолаи зори акс этган эса-да, кенг маънода умумлашмалик касб этган ҳолда золим замонга тақилган тавқи-лаънат тамғаси, надомат билан айтилган ўзича бир айбномадир.

Аё чарх, этдинг ортуқ жабр бунёд,
Кўзим ёшлиғ, тилимда қолди фарёд.
Ҳаётим лозазоридин аюрдинг,
Ёқиб жоним, кулим кўкка совурдинг (383-бет).

Бахт кулиб боқмаган, севишганлар бир-бирига етишолмаган бир машъум замонада Фузулий «Азал котиблари ушшоқ бахтин қора ёзмишлар», дея бежиз фарёд чекмаган эди.

Романда Отабек фаолияти, амалий иши фақат воқеалар оқимининг ўзидангина келтириб чиқарилмайди, балки реалистик адабиётга хос йўллар, масалан, коллизия заминиде бу фаолият тайёрланади, ниҳоят бадийи мантиқ кучи билан рўёбга чиқади.

Отабекнинг Кумушбиби ётган уйнинг шундайгина орақасида Содиқ, Мутал ва Ҳомид билан тунда яккама-якка олишуви—«курашда» ҳаммасини ҳам бирин-кетин саранжом этиши реалистик тасвир бўёқларида берилади. Отабек номусли йигит, унинг табиати кибр-ҳаво, мақтанчоқлик каби иллатлардан холи. Ёзувчи дostonларда кўп учрайдиган анъанавий эпитетлардан ўринли фой-

даланади. Уста Олим «арслон юракли Отабек» дея уни таърифлайди. Бундай таъриф Анварга, унинг мардона қилган ишига нисбатан ҳам ўринли ишлатилди. Халқ достонларида, ҳатто шавкатли Совет Армияси баҳодирларига нисбатан бу тасвир ҳам «йўлбарс юрак полковларим»² шаклида муносиб қўлланилди. Романда юқоридаги таъриф Отабек бажарган ишнинг мушкул томонини очиш мақсадида келтирилган.

Ёзувчи Отабекнинг бу ишга тайёрланишдаги (энг муҳим сирдан воқиф бўлгач) руҳий ҳолатини мураккаб ички изтиробларга тўла бир ҳолда тасвирлайдики, ўқувчи, шубҳасиз, бундан ҳаяжонга тушмай қолмайди. Чунки Отабекнинг бутун ҳаёлини банд этган нарсa «ракиб билан дилдорнинг уйи орқасида танҳо олишмоқ, ёр оёғи остида қонли тупроққа қоришмоқ — унинг учун жуда лаззатли ва шоирона туюла бошлаган эди. Саройга кирар экан, ўзича:

— Ширин ўлим! — деб қўйди... У ухлаб кетар экан, ўзини том қонга берашиб ётган ҳолда, гоҳ Қумушнинг орқалаб турган ҳолда кўрар эди» (249-бет). Ёрни деб орномус учун талашиш Отабек наздида ҳаёт-мамот учун курашиш бўлиб туюлди. Ҳандалак бўйлик ёрдан ўлмай туриб айрилиш ҳақиқий ошиқни ҳар кўйга солди, Отабек, ёзувчи таъбирича, хайрихоҳ қотил бўлишгача борди. Муҳаббат унга куч бағишлади. «...сўнг дақиқамда яна бир мартаба бўйингизни олиб ўлиш учун душман томонидан уйингизга очилган туйнукчага кирдим. Кирдим-да, сизнинг бўйингизни олдим, хафиф тин олгандаги латиф ухлаган товушингизни эшитдим... Шу вақт, субҳонолло — ўзимда кутилмаган бир куч сезган эдим, икки эмас, икки юз душманга муқобила этишга қудрат кўрган эдим... Мен ўзимга бағишланган куч манбаини жуда яхши англардим, мендаги бу ўзгариш манбаи уй ичида ухлагувчи бир малак эди... Сиз эдингиз» (268-бет).

Отабек обдан гангиган, «Хўжа Маъоз» мазорида тунаш учун бораётир. Унинг дили ҳам, мазор ҳам «...чин маъноси билан қоронғи кузнинг қоронғи бир туни эди». Ёзувчи Отабек кўнглига чўккан оғир дардни янада чу-

² Дастагул, Ўзбек халқ ижоди, кўп томлик, Тошкент, Бадний адабиёт нашриёти, 1965, 138-бет.

қурроқ ҳис этиш учун аввал қуйидаги кишининг гаши-ни келтирувчи тасвири беради: «...лекин қаердадир доғ қилинмоқда бўлган зиғир мойининг аччиқ исини димоққа келтириб уришидан кишида бир беҳузурлик ҳосил бўлар эди» (222-бет).

Бу кичик бир ҳаётий деталь Отабекнинг қалб қаъри қанчалик қоронғи, паришонхотир хаёли, кўнглига чироқ ёқса ёримайдиган тушкун дақиқаларини ифодалашга имкон берган. Бу ҳақда ёзувчининг ўзи шундай қайд қилган эди: «Масалан, «Ўтган кунлар»ни ёзиш чоғида Марғилонга борганимда бир кўчадан ўта туриб, намозшом маҳалида, доғ қилинаётган зиғир ёғининг ҳиди бурнимга урилди, мен буни эсда тутиб қолишга тиришдим. «Ўтган кунлар»нинг бир жойида шу кичкина детални киргизилганида, берилаётган тасвирининг яна ҳам одам ишонарли бўлиб чиққани эсимда»³.

Отабек кўнглини қоплаган булутлар ҳамон қуюқлаша боради. «Беш дақиқалаб йўл устида эсанкираган, хушсизланган кўйи қотиб тургач, мошинавори бирдан юриб кетди. Кишининг хотинини талоқсиз чиқариб ол-да, бугун эрга бер!» — деди ва телбаларча нима учундир кулиб қўйди, ўз-ўзича сўзланиб Марғилон кўчаларида тентакларча югура бошлади». «Ойнинг ўн бешлари бўлса-да, ҳавонинг булутлиги билан ой кўринмас «...Отабек чиқиши билан Содиқ ҳам кўриниб қолди-да, Отабек билан тўқнаш келди... Ҳаво булут эди» (224-бет). Бу тасвир билан халқ қўшиғидаги қуйидаги фикрни қиёслаб кўрайлик.

Ой булут остиндадир,
Душман маним қасдимладир!
Ман йўлимга рост бўлсам,
Душман оёқ остимдадир!

Романда булут билан боғлиқ ҳолда берилган Отабекнинг руҳий ҳолати реал тасвир бўлиб, қўшиқда эса ойнинг булут остида бўлиши кейинги «душман маним қасдимдадир» фикрига нисбатан мажозий маънодаги параллелизм бўлиб келади. Лекин қўшиқда фикр қатъий маънода халқ ҳикматли сўзи даражасида ифодаланади. Бунда ҳам масала қўшиқдаги фикр кескинлиги, Ота-

³ А. Қодирий, Кичик асарлар. Фафур Ғулом номидаги бадиний адабиёт нашриёти, Тошкент, 1969, 211-бет.

бек руҳиясидаги ички изтироб таранглиги, узил-кесил ҳаракат ва онт билан қандайдир яқинликда ёки ўхшашликда эмас, балки ор-номусли ошиқ йигитга муҳаббатда тобланган ирода, гаройиб оптимистик руҳ, девкор ғайрат, жасорат бахш этганлигини реал кўрсатганлигидадир.

Булутлар орасида турли ҳолатда сузиб юрган тўлин ой тасвири мажозий маъно касб этган бўлиб, илон чаққан кишидек тўлганиб ётган ошиқнинг назарида гоҳ жилвагар, гоҳ нимадандир нозли аразлаб, карашма билан интизор кўзларла маънос боқаётган Кумушбибини беихтиёр эслатади. Бу ўринда ёзувчи даҳшатли қопқора қабристон тунисида қалбини ҳали қўрқинч, ҳали ваҳима босаётган йигитнинг бу сукунат ичра якка бир ўзи дардига нажот тополмай юрган ғоят серташвиш руҳиясини таъсирчан ифодалай олган.

«Кўкни ўраб олган қора булутлар ҳам тўс-тўсга бўлиниб, ой ҳам қора парда ичидан ярим юзини очиб ер юзига мўралаб кўйди. Ой пардаланиш қора булутлар билан бекинмачоқ ўйнаган каби ҳали кўриниб, ҳали яширинар эди. У ер юзига кулиб қараганда мазорнинг чакалак қисмига айтарлик ўзгариш бера олмаса-да, гўристон қисмидаги дўмбоқ қабрларни ва уларнинг устидаги мрамар қабр тошларини чуқур бир сукут ичида экан тақдим қилар эди» (225-бет). Дарвоқе, шу тасвир узра ёзувчи Отабекнинг ёлларини ҳам назардан қочирмайди. Алам чекиб юрган йигитнинг юрагига ғулгула солаётган шум ниятдилар — бойқушлар ишидан ўқувчисини дақиқа сайин огоҳ қилиб қўяди у. «Чинор шохлари тасбиҳ каби тизилган бойқушлар билан тўлган. Улар ой нуридан унча хурсанд эмаслар, чунки ой ер юзига кулиб қарай бошласа, улар бошларини кифтлари ичига оладилар-да, дум-думалоқ бўлиб сиқилиб кетадилар. Ой булутлар остига кирса, улар роҳатланган каби чиг-чиг-чиг, ки-ки-ки қилиб сайраб ҳам юборадилар. Бу вақт шу бойқушлар сайроғи ичидан инграниш каби бир товуш ҳам эшитилгандек бўладир» (225-бет).

Отабекнинг назарида Кумушбибига гоҳо қуёш бўлиб кўринади. «Ҳаво булут эди. Оқ булутлар бўлганликдан қуёшнинг нури унча кесилмаган, қуёш тўр рўмол ичида ўтирган келинлар каби ер юзига сузилиб қарар эди» (222-бет).

Шундай қилиб, романнинг «Жонсиз бир хабар ва қўрқинч бир кеч» бобидаги халқ ижодиётидан кўчган булут, бойқуш анъанавий образлар рамзий тасвирлар бўлиб, Отабек бошидан кечиращак фоже ишларга бир ишора-дир. Ой, Қуёш бўлиб кўринган соҳибжамол Кумушбиби Отабекнинг бирдан-бир таянчи, мададкори, илҳомбахш куч манбаидир. Севги ўтида куйган Отабек учун қотиллик ҳам завқли туюлди. Бировга чоҳ қазиган Ҳомид ва унинг шериклари шу чоҳга ўзлари тушишидан беҳабар. Арслон ҳамласи билан сапчиб аввал Мутални, кейин Содиқнинг ҳиқилдоғидан бўғиб чавақлаб ташлаган Отабек Ҳомиднинг ҳам ишини тўғрилайди. Бунгача у «замбил остида ханжарини қисимлаб, гўё сичқонни пойлаган мушукдек ҳужумга ҳозирланиб ётар эди». Отабек ҳамма сирдан воқиф бўлди; у ғоят сергак ҳолда эпчиллик билан танҳо ўзи ақл бовар қилмайдиган мушкул ишни бажарди. Фақат ориятли асл йигит шундай қилиши мумкин эди.

Айрилиқ — муҳаббат синовидир. Отабек бу синовдан мардонавор ўтди. Биз учун муҳим нарса шуки, ёзувчи Отабек образининг эмоционаллиги ва аниқ-равшан тасаввур этилишини таъминлаш ва, ниҳоят, унинг айти шу ғоят масъулиятли лаҳзадаги кечинмаларини жонли чи-зиш учун халқ жонли тилининг ифода воситаларидан, халқ шеърятининг рамзий маъно қирраларидан унумли ва усталик билан фойдалана билганлигида ва натижада ёзувчи реалистик тасвир воситаларини қўллаб, қаҳрамонни бутун борлиғи билан жонли кишидай гавдалантирди. Оқибат ростлик, тўғрилиқ устун келди, ҳақиқат енгди, душман унинг оёғи остида забун бўлди, қора қонига беланди.

Отабекни қотиллик йўлига ундаган нарса виждон азоби, йигитлик номуси бўлди. Одамни номус ўлдиради, қуённи қамиш, дейилади халқ мақолида. Ҳомидлар томонидан Кумушбибининг тунда ўғирланиши эса, Отабекнинг юрагига пичоқ уриш билан барабар. Модомики шундай экан, Отабекнинг ўз рақиблари билан ҳисобкитоб қилиши — ёвуз ниятли кишиларнинг жазосини танҳо ўзи бериши ўз йўлида мардлик, олижанобликдир. Умуман, мазкур эпизод эртақларда тасвирланган ботирларнинг бир кечада довюрақлик билан бажарган («Ўч оғайни ботирлар» эртаги ва бошқалар) ишларини эслатади. Отабек халқ дostonларида лоф йўли билан тас-

вирланган афсонавий қаҳрамонлардан кўра, ҳаётӣй эр-таклардаги уддабурон, камсухум, эрлик шаънига гард юқтирмайдиган ўқтам йигитларга яқин туради. Маълумки, эпосимизда ошиқ ва маъшуқалар исми жисмига муносиб, суврати ва сийрати гўзал қилиб тасвирланади. Уларнинг хатти-ҳаракатлари, кишилар билан муносабати, дўстларга ҳамияти, садоқати, ёмопларга ёндашмай юриши, кези келганда қаҳри қаҳратон, беаёвлик каби фазилатлари омманинг одабийлик ва гўзаллик тушунчаларини тўла ифодалайди. Абдулла Қодирий яратган Отабек ва Қумушбиби образларида ана шу халқ севган ва улуглаган фазилатларни кўрамиз, авлодлар ардоқлаган маънавий гўзаллик улар қиёфасида ғоят теран миллий хусусиятлари билан гавдаланади; шунинг учун ҳам ўқувчи ўзини Отабек билан ҳамиша бирга бўлгандай сезади, у қилган ҳар қандай ишни тўғри билиб маъқуллайди, зўравонларнинг қатл этилишидан ғоят хурсанд. Китобхонни тасвирланаётган воқеалар кетидан эрташтириб, унинг қатнашчилиги аниқлиги оориш ёзувчининг халқ руҳини ифодалай олган ўлмас образлар яратишдек юксак санъаткорлик салоҳияти самарасидир. Бадий адабиётнинг жозиба кучи, таълимий қиммати ҳам шунда.

Абдулла Қодирий сўз устаси. Романда ёзувчи баёни бутун воқеани, руҳий ҳолатни, образлар нутқини бошқаради. Ёзувчи ҳар бир сўз, ифода воситасига заргарона сайқал берадики, бу билан реалистик тасвир кучини оширади; халқ тилининг ранго-ранг бўёқларини тежамкорлик билан ишлатади. Бу соҳада у катта ижодий тажриба орттирди. Ўқувчида Отабекнинг турли вақт, вазиятдаги мураккаб ички руҳий ҳолати ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш орқали ёзувчи бу образни тобора зиддиятли психологик жараёнда кўрсатади.

Мана давосиз дардга мубтало бўлган Отабек ўзини қўйгани жой тополмай, аламини Тошкентнинг Чуқурқийшлоқ маҳалласидаги бўзахонадан чиқармоқчи. Агар уста Олимнинг ҳикояси Отабекнинг ярасини янгилаган бўлса, энди дутор куйи унинг руҳий оламини ларзага солади. «Дуторни созлаш учун реза куйлардангина олиб турган машшоқ, Отабек кутмаган жойда «Наво»дан бошлаб юборган эди. Куйнинг бошланиши билан нақ унинг вужуди зир этиб кетгандек бўлиб кейинги пиёласини бўшатди ва ихтиёрсиз равишда дуторнинг мунгли товуши-

га берилди. Дутор товуши қандайдир ўзининг бир ҳас-
ратини сўзлагандек, ҳикоя қилгандек бўлиб эшитилар
эди. Йўқ, бу ҳасратни у ўз тилидан сўзламас эди — Ота-
бек тилидан сўзлар эди... Отабекнинг кўз ўнгидан ўтган
кунлари бирма-бир ўта бошладилар-да, ниҳоят «анови»
хотиралари, «анови» ҳангомалари ҳам кўриниш бериб
ўтдилар... Йўқ, ўтмадилар... Унинг кўз ўнгидан келиб
тўхтадилар-да, шу кўйи тура бердилар... Дутор бу кў-
ринишни унинг кўз ўнгига келтириб тўхтагач, бу фо-
жиага ўзи ҳам чидаб туролмагандек йиғлай бошлади...
Дутор қуруққина йиғламас эди, балки бутун коинотни
«зир» эттириб ва хаста юракларни «дир» силкитиб йиғ-
лар эди... Отабек ортиқ чидаб туролмади-да, рўмоли
билан кўзини яшириб, йиғламоққа киришди... У кўз ёш-
ларини тўхтатмоқчи бўлар эди, бироқ ҳозирги ихтиёр
ўзида эмас эди — ҳамма ихтиёр дуторнинг ҳазин «Наво»-
сида, тоқатсиз йиғисиди эди... Дуторнинг нозик торла-
ридан, тилсимли юракларидан чиққан «Наво» куйи
ўз ноласига тушунгучи Отабекдек йигитларга жуда
муҳтож эди. Ўз дардига тушунган бу йигитга борган
сайин дардини очиб сўзлар, йиғлаб ва инграб сўзлар
эди... Эшитувчи эса дунёсини унутиб йиғлар, кучини йи-
гиштириб йиғлар ва ҳасрату аламини кўз ёшиси билан
тўкиб йиғлар эди....

Ниҳоят, «Наво» куйи унинг бутун танидаги сувла-
рини кўзи орқали тўқдирди-да, фалакнинг тескари ҳа-
ракатидан шикоят этиб қўйди ва дунёда ёлғиз ҳасрат-
гина бўлмаганлигини билдиргандек ўзининг «Савт»
куйини ер юзига шодлик ва севинч ёғдириб арз эта бош-
лади. «Наво»нинг сеҳрли «савти» Отабекнинг кўз ёшла-
рини қуритди-да, бир енгиллик бағишлади. «Наво» билан
ювилиб кетган унинг умид гулзорида янги чечаклар униб
чиқди...» (219—220-бетлар).

Бу гал Отабек анчадан бери йиғилиб, тўпланиб кел-
ган аламидан, ситамидап беихтиёр кўз ёши тўқди; бун-
дан унинг икки йил мобайнида қай тариқа руҳан қий-
налиб, сабр-тоқати тоқ бўлиб, сарсон-саргардон бўлиб
беқарор яшаганлигини яхши тасаввур этиш мумкин.
Бизнинг диққатимизни алоҳида жалб этган нарсаси эзув-
чининг Отабек руҳий ҳолатини моҳирлик билан тасвир-
лашидир. У ўз қаҳрамони қалбининг энг нозик торлари-
ни ишга сола билди, икки йилдан бери ҳеч кимга бир
бой бермай, ўз ёғида ўзи қовурилган домини йиғитга

хос кўнгли қаъридан сизиб, сирқираб чиққан ўксик йиғисини муносиб чиза олди. Китобхон иши ўнгидан келмаган, ситамкор фалакнинг зарбаларига дучор бўлган ва чор-ночор чидаб, қон-зардоб ютиб келган Отабекнинг ҳолига ачинади. Абдулла Қодирий бу севимли қаҳрамонининг ички кечинмаларини шеърий тили билан тасвирлайди, насрда назм пайдо қилади. -

Абдулла Қодирийни машҳур ўзбек, қозоқ, туркман, тожик ёзувчилари етук устоз, туғма санъаткор сифатида муносиб қадрлайдилар. Зотан, ёзувчиларимиз орасида ишқ дардини, кишини ларзага соладиган ошиқ йигитнинг сеҳрли, яширин аламларини Қодирийдек жозибадор тасвирлаганлар камдан-кам топилади. Юқоридаги парчада у фақат кўп нуқталар орқали Отабек чекаётган изтиробнинг беқиёслигини ўринли ифодалайди. Парчадаги ҳар бир тиниш белгидан тортиб тушкун ҳолатни тобора қуюқлаштириб ифодалаётган жумлаларгача (бутун коинотни «зир» эттириб) бари ёзувчи кўздан кўра бодий интишнинг русола чиқшига аизмат қилмоқда. «Қодирий тилидан унинг халқнинг бой ва ажойиб тилини ғоятда яхши билганлиги яққол сезилади. Унинг романлари ана шундай гўзал тил билан ёзилган. У туғма эпик ёзувчи, кенг кўламдаги мастер, юксак маънодаги реалистик санъаткор эди» (Ойбек). Унинг тасвир уфқи хаёл каби кенг. «Жонсиз бир хабар, қўрқинч бир кеч» бобида ёзувчи Отабекка Марғилонда Кумушбиби кўчаси (оналар таъбирича «илон чиққан»), ўша қадрдон уй дарвозаси, ҳовли, таниш тоғ, дарахтлар қанчалик ғалати, сирли кўрингани тасвирида фақат шеърийатда баён қилиниши мумкин бўлган Отабекнинг сўнгсиз дардчил хаёллари кайфияти ифодаланган. Ер юрган кўчалар нақадар азиз ва лазиз, мурувватли қутидорнинг уйида ичкўёв бўлган бахтиёр, олтин дамларни унутиб бўладими?

Ахир у вафодор ёрининг оёқ гардини кўзига тўтиё деб билмадими. У кўчада бир ҳолатда девонавор тек тураркан, лип этиб Кумушнинг бўйи-басти, унинг мулойим, меҳрибон чеҳраси кўринади, қулоғига гўё унинг баъзан араз ва зардали сўзи эшитилади. «Энди унинг умиди ортиғи билан узилган эсада, юрагининг ёниши босилурлик эмас эди. Илон чаққан кишидек довдир ва бесаранжом кўзлари билан теваракка бежо-бежо назар ташлар эди... Том бир маъюсият ичида бошини қуйи солган эди, ўтиб турувчиларни пайқамас, лаҳча чўғ каби ёниб тур-

ган юрак ўти билан сархушдек эди» (225—226-бетлар). Ёзувчи ўз қаҳрамонларининг ички дунёсини, кечинмасини киши руҳининг инженери бўлиб ҳаяжонли туйғулар таранглигида акс эттирса, иккинчи бир ўринда уста рас- сомдек уларнинг ташқи қиёфасини чизади. У «Тўй, қиз- лар мажлиси» бобида ҳаммомдан қайтган Кумушбиби тасвири, умуман, шу боб, бошидан охиригача назм мар- варидларида битилган. Қизликка хос ҳарорат билан товланган Кумушбибининг нуқра юзлари — чеҳраси па- ри-пайкар, соҳибжамол қиз тимсолидир. Классик поэ- зиямизда ҳам, халқ қўшиқларида ҳам киприклари ўқ, ёноқлари ол, зулукдек сумбул соч, қошлари қилич, оҳу кўзлари ёниб турган офатижон гўзаллар гоёят мароқли тавсиф ва тасвир этилганини биламиз. Бироқ Абдулла Қодирийнинг рассомлиги улардан кам эмас, балки ўзга- ча, Кумушнинг ўзигагина хос бўлган тақрорланмас гў- залликдир.

Кумушбиби инсонийликда янада баркамол, кўркем маҳбуба. Бу гўзаллик унинг тийран ақли, ҳаё-андишаси, ноз-карашмаси, ишва-истигноси, унинг ўзигагина яра- шiqли зарла ва эрқаланиши, маъноли қарашлари, ўзи- га хос сўзлаши, нозик ҳаракатлари ва бошқа кўз илгамас талай хосиятлари ёшлик шўхликлари билан кўшилиб ажиб бир фазилат касб этади. Бу фазилат Ку- мушбиби ва Отабекнинг ўртаниб ёшишган хатларида равшан кўринади. Бу ошиқона мактублар шоирона қалб- нинг эҳтиросли овози бўлиб акс-садо берали, уларда инсонга чуқур ҳурмат ва нозик туйғулар парвариш то- пади, севги тилсимларидан дарс бергандай бўлади: са- мимийлик, вафо ва садоқат билан бир қаторда, қаллоб- лик ва бузгунчиликдан нафратланиш ҳиссини барала уй- фотади. Ҳа, адабиётнинг буюк таъсир кучи ҳам шунда.

Ёзувчи аёлларнинг маънавий оламини ёритганда дил таржимони бўлган дутор, куй, қўшиқ, шеърят уларнинг ҳамиша йўлдоши деб билади, қиз-жувонларнинг ўз ижо- ди орқали психологик кечинмани ишонарли, табиий чи- зади.

Асарнинг «Тўй, қизлар мажлиси» бобидаги гуллар, лолалар, тўтилар, қумрилар базмида Гулсин «Йиғла- ман» куйида дутор чалиб қўшиқ айтади, бошқалар жўр бўлади. Қўшиқ бутун мазмуни билан мазлумаларнинг мазлумаси ўзбек қизларининг дил таржимони — орзу- истакларига етолмаганлигидан шикоят қилар, зорланар-

ди. Ўз севгани билан кўришолмай, зор-зор йиғлаган маъсума қизнинг фожиаси кимга турмушга чиқаётганини ҳали билмаган Қумушнинг дардларини янгилар, гўё уни ҳам фалокат қаърига улоқтираётгандай бўларди. Шунинг учун бўлса керак, ёзувчи «кўринишдан натижа чиқариб айтганда, бу қизиқ мажлис унинг базм ўрнини эмас, аза жойини тутгандек...» деб ёзади. Гулсин ва Хонимбибининг қўшиғига қизлар, биринчи навбатда Қумуш лоқайд қарай олмади. Чунки қўшиқдаги

Бир кўриниб яғмо қилган кўнглимни,
Қайтиб яна кўролмадим норимни,—

сатрлари гўё Қумуш тилидан ва дилидан айтилаётгандай туюларди. «Бир турли, бир оҳангли нафис, муסיқавий товушлар кишининг борлиқ вужудига, қон томирларига ажойиб бир ўзгариш берган эдилар». Бироқ қўшиқнинг шу сатрлариданоқ, «Қумушнинг икки кўзи жиқ ёшга тўлган эди». Охирги

кетди тоқат. кетди сабрим... кетдилар...
Синдирарман уриб ерга торимни!,—

байти (157-бет) Қумуш йиғисини янада мўл қилди. Гўё қизларни ҳам қўшиқдаги бахтсиз қиз фожиаси кутаётгандай, улар бундай тақдирга ўт тушсин деб қарғаётгандай бўларди. Бу ўринда асосий масала Қумуш устиди, унинг руҳий кечинмалари борасида боради. «Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сандадир» дейилганидек, Қумуш борлигини ўша ташқарида бир нотаниш йиғит билан бахтли тасодиф — учрашув дақиқалари қамраб олган эдики, йиғининг боиси ҳам шунда. Ёзувчи «Йиғларман» қўшиғида умумий томон орқали Қумуш кечинмасини ёритишни мақсад қилиб қўйган ва бу ниятига эришган. Бироқ ёшликнинг шўхликлари ҳам бор. «Қумуш жуда хафа кўринганликдан унинг кўнглини очмоққа тўғри келар эди. Шунинг учун бошқа ўйинларни қўя туриб, мажлисининг қизиқ тарафи бўлиб саналган лапар айтишга кўчдилар. Гулсин куёв родини ўйнар, Хонимбиви Қумуш ролида, иккисининг бир-бирисига қараб ўқишган лапарлари барчани кулдириб ичакларни узар даражада» (158-бет). Ошиқона ҳазил-мутойнаба, ширинсўз шеър билан худди тортишмачоқ ўйнагандек тарафма-тароф туриб галма-гал халқ қўшиқларидан айтиш — лапар чиндан ҳам дил чигилини ёзишга яхши бир восита эди.

Ёзувчи лапарлардан намуналар келтирмаса ҳам, биз яхши биламизки, никоҳ тўйларида, баъзан тўйдан бир кун олдин қиз уйида бериладиган базмда зиёфатдан сўнг йигитлар билан қиз-жувонларнинг лапар айтишуви анъанаси совет даврида, ўттизинчи йилларда ҳам давом этиб келди. Муҳими шундаки, ёзувчи атайин базмда лапар айтилганини, бу билан маънос қўнгиллар бирмунча ёришганини эслатади. Лапарларда ўзига хос нозик ишқий сўз ўйини, бир-бирини ғазалхонликда, ҳозиржавобликда синов бўлиб, у айтувчидан ўтқир баднийдид, халқ шеъриятини яхши билишни, бадихағўйликни талаб қилади. Айни чоқда, лапарлар аёлларни сочи узун, ақли калта деб одамийлигини таҳқирловчи шарият пешволари ва ҳоким синф қонун-қоидаларига қарши кескин зарба бериш воситасидир. Уларда аёлларнинг эрлар билан ҳар жиҳатдан тенг, ҳар қандай оғир ишга қодир, улар билан беллаша оладиган, бадний тафаккурни ривожлантиришга баб-баробар ҳисса қўшиб келаётганига жонли далилдир. Лапарларда ёшлик туйғулари, севги шўхликлари, ишқ кечинмалари, дардлари маржонга тизилгандай бирин-кетин басма-бас айтиладики, бу айтувчи ва тингловчиларга бир олам завқ, қувонч бағишлайди. Шу вайдан лапар айтилиши билан гуллар базмига жон киради, руҳ енгил тартади.

«Ўтган кунлар» романида ёзувчи қаҳрамонларнинг психологик ҳолатини тасвирлашда йиғи воситасидан оқилона фойдаланади: кўз ёшим дарё қилиб сув кечаман... каби дилни пора-пора қилувчи ҳасратли кўз ёшларини халқ шеъриятида берилишини кўп учратамиз. Бунда тасвирнинг рамз, мажоз, муболаға, ўхшатиш шакллари вазият ва ҳолатга қараб ишлатилади. Бу романда кўз ёши образининг кўп қўлланиши табиий бир ҳолдир. Чунки ҳаётнинг бўлган-тургани ўзи ғурбат, муҳтожлик, бахтсизликдан иборат. Ҳунарманд уста Олимнинг ўз бошидан кечирганлари, уста Парфининг «қозонни сувга ташлаган кунимиз жанжал» дея шикоят қилишида меҳнат аҳлининг нақадар ночор, қўл учиди амал-тақал қилиб кун кўрганлиги, қашшоқликдан тинкаси қуриган, оғзи ошга етганди бурни қонаган шўр пешона оилаларининг типик намунаси деб билиш мумкин. Бахт буларга кулиб қарамаган, негаки замон мулкдорларники, уларнинг ошиғи олчи. Одамгарчилик, эрк, адолат оёқости қилинган бир замонда бошқача бўлиши мумкин ҳам

эмас эди. Кумушбибининг Салим шарбатдорнинг ўғли Комилбекка унашилиши воқеаси уни сўнгсиз даража эди, онасини эса ундан ҳам баттарроқ азобга қўйди. «...она-бола тагин шиддатли равишда кўз ёшига кўмилдилар...». Бунгача Офтоб ойимнинг янги тўй хабарини Кумушга етказиш учун сўзлай олмай «юм-юм йиғлай бошлаши» фақатгина қизининг бахтсизлиги сабаби деб билса, Кумушнинг йиғиси эса бирмунча бошқачароқ: у энди ўзини бахтсизликка олиб келган сабабларни ахтаради: замонанинг носозлиги, ҳаётда инсоф, диёнат, меҳр-шафқатнинг йўқлиги, ярамаслик сабаб деб тушунганидан унинг сўзларида ҳаётдан тўйган, пичоқ бўғизига тақалган аламзада кишининг нафратли овозини эшитамиз. ...«сиз дунёда туришга лойиқ эдингиз, лекин сизнинг дунёдан тўйишингизга ва қон-қон йиғлашингизга сабабчи мен бўлдим. Мен сиёҳ бахт дунёга келмаган бўлсам эди, сизга мунчалик кулфатлар, мунчалик андуҳлар йўқ эди... Сизни бу ҳолда кўришга ва ўз тилагим дунёда сизни қурбон эитишга эртинг тоқатини битадими... Ташландиқ бу қизингиз, қўлма-қўл юрувчи бу ўйинчоқ қизингиз ким, сиздек бир меҳрибон онани қон йиғлатмиш ким?» (216—217-бетлар). Кумушбибининг бу айтганлари ўтмишда ўзбек қизларининг аянчли қисматини ифодалайди; улар бедодликдан, инсоний виждони ҳақорат қилинганидан ўкинадилар ва ана шундай оналар, қизлар томонидан нола-фигон ҳисси билан тўлиб-тошган дардчил қўшиқлар, қиз сақлагунча туз сақла каби мақоллар тўқилганига ўқувчи ишонади ва уларнинг социал илдизлари адолатсизликка, тенгсизликка асосланган ижтимоий тузумга бориб тақалишини тез тушуна бошлайди.

«Меҳробдан чаён» романидаги «Қирқ қизлар» бобида Худоёрхон ҳарамидаги асира қизларнинг, бағри қон аёлларнинг базми тасвирланган. Агар «Ўтган кунлар»да ўтмишда маъсума ўзбек хотин-қизларининг пешонаси шўрлиги нисбатан умумий тарзда («Қизлар базми» боби) чизилса, «Меҳробдан чаён»да ана шу бахти қаро қизларнинг ўзи, уларнинг шум тақдири конкретлашган ҳолда кўрсатилади. Ёзувчи ўқувчини хон ҳарамига олиб киради, у ерда яшаётган аёлларнинг ҳаёти, ётиш-туриши, бекорчиллик машғулот, ҳасрат-дарди билан яқиндан таништиради; ўз тақдирига лаънат ўқиган бу беозор, беғуноҳ бахтсиз маъсумаларнинг гўзаллиги, ночорлиги

уларни мана шу ғамхонага мажбуран бошлаб келган. Халқимиз «куйгандан кулли бало», «куйган тери ёзилмас», «куйган ўланчи, суйган қўшиқчи бўлади» каби матал-мақолларни бежиз яратмаган, албатта.

Бухоролик шоир Шариф ҳофиз Нурхонов маълумотига қараганда, сўнгги йилларда Бухоро амирининг Гулшанга ўхшаган хон ҳарамини гўзаллар билан безайдиган ҳаромхўр одамлари қишлоқма-қишлоқ юриб, яқин-йироқдан юртнинг энг кўҳлик қизларини амирга ҳадя қилишдек жирканч иш билан шуғулланган. Шариф отанинг айтишича, айрим кўҳлик қизлар амир ҳарамига тушмаслик учун атайин пешоналарига ёки юзларига оташкуракни қиздириб босарканлар.

Абдулла Қодирий ана шундай золимлар дастидан куйиб кул бўлган қўшиқчи шоира Назми, унинг фожиали тақдири, кўнгил мулки бўлиб қолган, дилларни пора қилган шеърлари, қўшиқларининг таъсири ҳақида тўлиб-тошиб ёзади. «Ёзи билан Зебо» достонидеки ошиқ йигит «кўзим сою кипригим сув ичади» деганидек, Назмининг қўшиқларини ҳарам қизлари кўз ёшисиз айтолмайдилар.

«Кейинги байтлар оғир бир фожиани тасвир қилдилар: ойлар, йиллар йиғлаган, ҳасратидан ҳушсиз йиқилган бахтсиз бир қизнинг фарёдини гавдалантириб кўрсатдилар. Бу ўринда шўх куй лобаргина қилиб бир ҳасратга таржимонлик этди. Юқоридан бошлаб ўйноқи руҳда куйлаб келган қизлар ва доим нозу карашмада бўлган ўртадаги ўйинчи ҳам бундаги оғир маънони ўзига олишга тиришдилар:

Ою йиллар йиғлаган, бағрин ҳар дам тиглаган,
Ҳасратидан биғлаган бахтсиз бир қиз Назмидир!

Бу «бахтсиз бир қиз» базмдаги қизларнинг ҳар қайсисига маълум эди. Фақат бу мажлисда унинг фарёди иштирок этса ҳам, ўзи иштирок этмас, беҳисоб фарёдлар, фиғонлар, ҳасратлар билан чарчаган бу қиз, ҳозир тупроқ остида ухлар эди. Унинг таржимаи ҳолини яхши билган «қирқ қизлар» ичида уни қўмсаб йиғловчилари ҳали ҳам топилар эди. Дарҳақиқат, озодликдан маҳрум этилган мазлума қизларга неча асарлар қолдириб кетган, кўпчиликнинг айтолмаган ҳасратини куйларга солиб берган шоирани ким унутсин?

«Шундай... Бундан бирор йиллар илгари бу «қирқ қизлар» ичида Назми исмлиқ бир қиз ўлган эди. Бу шу

қизнинг тұқиган байтларидан бири эди. Қизларнинг сўзига қараганда, Назми Қўқон қишлоқларининг биридан, чиройли қиз экан. Назми холасининг ўғли билан севишган, ҳатто тўй кунлари ҳам яқинлашган экан. Отаси жуда камбағал деҳқон бўлиб, Худоёрнинг неча йиллик солиқларини тўламаган экан. Худоёр чўғоллари (солиқ йиғувчилар) қишлоққа чиқиб, Назмининг отасини сиққанлар, урганлар... Қизидан бошқа мол тополмай, уч йиллик солиқ бадалига Назмини тутиб, Худоёрга тортиқ қилганлар. Хонга Назмининг ҳусни ёққан, уни доя хотинларга қўшиб ҳаммомга юборган. Худоёр бир-икки кеч бечоранинг номусига тегиб, сўнгра «қирқ қизлар»га қўшган... Назми шунда икки йил чамаси куйлаб, йиғлаб юрган, «қирқ қизлар»га кўп янгиликлар берган ва охирида ўзи сил бўлиб ўлган...»⁴.

Ҳарам қизлари ҳаётининг юқоридаги тасвири Худоёрхон давлатининг адолатсизлигига умумий бир ишора бўлса, шу маҳкамадаги мараз одамларнинг бош мирзолик лавозимини эгаллаш ниятида уринишлари Назми каби шон ва беғира Раънони ҳам хонга ҳодис қилиб, унинг эъзига катта эҳсон — юқорироқ мансаб эгаллаб обрў олиш баробарида уни «қирқ қизлар» қаторига қўшишни нишонга олганлиги осон тушунилади. Бу разолатга қарши Раъно ўз қалбида қўзғолон кўтарди. Ёзувчи «тақдиримга ўт тушиб, куйса нетай, ёнса нетай» деган бахтсиз қиз янглиғ Назмининг бошига тушган кунлар энди Раънога келганини айтаркан, Назми қисматини, унинг кўнглидаги доғ-ҳасратни Раъно қалбига улайди, бўлиб ўтган ҳодисаларни содир бўлиши кутилаётган жонли воқеалар жараёнига кўчиради; натижада кучли драматик ҳолатлар юзага келтиради. Лекин Назми билан Раъно воқеалари орасида «ит теккан» Нозикнинг бир лаҳзада ёниб ўчган саргардон ишқи тафсилоти ҳам берилади (121—127-бетлар). Ҳаммомдан қайтаётганда йўлда рўй берган ҳодисани Нозик Гулшанга сўзлайди: «Ўстига кийган беқасам тўни ўзига шундай ярашганки, биз қизлар ихтиёрсиз унга қарашдик...»

— Опа, рўмолингиз тушди!

Юрагим орзиқиб, тўхтадим. Йигитча рўмолимни келтирди, тусида бир оз кулимсиш бор эди (126-бет). Бир

⁴ Абдулла Қодирий, Меҳробдан чаён, Тошкент, Фафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1974, 121—122-бетлар.

йигитга ошиқи беқарор бўлган Нозик на қилсинки, ҳарамда, бунинг устига бу йигит мирзобоши Анвар эди. Нозикнинг покиза орзуси, бир нафас қулф урган севги ҳарорати шу ондаёқ сўнди, гули ғунча очмай соврилди, қути учди, умидлари чил-парчин бўлиб синди. Демак, ёзувчи романда севги занжири билан Назми, Нозик, Раъноларни олдинма-кейин бир-бирига уларкан, уч хил тақдирнинг ўзаро боғланишига ўқувчи диққатини жалб этади, ошиқ-маъшуқалар билан замон, хонлик тузуми ўртасидаги зиддиятнинг тобора ўткирлашганини таъкидлайди.

«Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романларида ёзувчи тилининг қаҳрамонлар портретини ёрқин чизиши, уларнинг маънавий дунёси, руҳий ҳолатига қараб тасвирни товлантира билиши, ифода воситаларининг жозиба кучи нақадар таъсирчанлигига тўла ишонч ҳосил қилсак-да, бироқ «Ўтган кунлар»да тарихий воқеалар ва Худоёрхон саройи билан боғлиқ эпизодларда бадий тасвир сусайиб кетиб, унинг ўрнини қиссаларга хос баён этиш ёки солномалар услуби эгаллайди. Бу ҳол бир қадар романинг реалистик руҳига путур етказганга ўхшайди.

Ўзбек халқ дostonларида муҳаббат масаласи кўпинча феодал жамиятнинг социал зиддиятлари билан боғлиқ ҳолда кўрсатилади. Тоҳир ва Зухралар каби афсоналарда, халқ дostonларида ҳам севишганлар ўртасида чақир тиканак бўлиб ўсиб чиқадиган Қоработирлар замонанинг ҳукмрон кучлари, подшо ёки амалдорларнинг ёвузлик, зўрлик билан иш тутиши натижасида асарда кескин социал конфликт юзага чиқади. Бундай адолатсизлик туфайли ошиқ-маъшуқаларнинг бошига сғир кулфатлар тушади, жудоликка учрайдилар. Бундай чоқларда баъзан аёллар ҳақсизлик келтирган бало-офатдан қутулиш учун эркак кийимини кийиб олиб душманлар билан ботирларча жанг қиладилар, бандидаги ёрларини қутқарадилар. Эпосда тасвирланган ҳукмрон романтик халқ руҳи севги масаласини пжобий ҳал этишга олиб келади — севишганлар топишадилар. Ишқий-романтик дostonларда воқеаларнинг бундай якунланиши тўғридан-тўғри меҳнаткаш халқ идеали, орзу-умиди билан белгиланади.

Абдулла Қодирий халқ дostonлари, ривоятларини яхши билар, ўз асарларида ошиқ-маъшуқалар саргу-

заштінни тасвирлаганда бу халқ асарларидаги роман-
тизмдан илҳомланган бўлиши шубҳа туғдирмайди.

Ишқ исёни

Севги линиясини ўткир социал зиддиятлар гирдобиди
тасвирлаш ва бу йўл билан хонлик тузумининг асора-
тини, саройнинг чиркин муҳитини рўй-рост очиб бериш-
да ёзувчи «Меҳробдан чаён» романида муваффақият-
ларга эришган.

Автор бу асари конфликтини ичдан, бевосита ижти-
мой ҳаётнинг моҳиятини белгилайдиган томондан ту-
риб тасвирлайди. Анварнинг сармунший бўлиб тайин-
ланишидан бошлаб воқеалар ривожини кескин тус олиб,
социал конфликтнинг ўткир қирралари дафъатан юз
кўрсатади, гўё чақмоқ чаққандек бўлади. Ёзувчи хон са-
ройида кўпдан илдиз олиб ётган мараз одамларнинг худ-
бинлик, зимдан ғаразгўйлик қилиш, кўролмаслик, ман-
сабпарастлик каби сифатлари ва амалий фаолиятини
яқиндан таништиради.

Тамагир махдум, фисқ-фасодчи Шаҳодат муфти, ғий-
бат ва туҳматнинг уяси Қалоншоҳ, мирзо, тубанлик ола-
мининг қули, иккиюзламачи Тунқотар, золим Худоёр-
хон, тақводор чаён — мулла Абдураҳмон, ҳаммаси эл-
нинг қонини зулукдек сўриб, бор-йўғини шилиб келган
юртнинг ҳокимларидирки, булар қаршисида Анвар ва
Раънонинг севгиси, садоқати, орзуси бир қора пулчалик
қадрсиздир.

Кўринишда мусичадек беозор, билимдон хон саройи-
нинг мирзолари учун кибр-ҳаво, ичқоралик, қабоҳат ва
разиллик, хонга хуш тавозелик, лаганбардорлик, най-
рангбозлик, қаллоблик одатдаги иш бўлиб қолгани ро-
манда турли-туман чизиқлар орқали мукаммал бери-
лади. Улар ҳар бир ишни хамирдан қил суғургандек
осонликча бажарадилар. Оқ кўнгил, тўғри сўз, софдил
Анварни бош мирзолик вазифасидан бир амаллаб бў-
шатил, уни ўртадан кўтариб ташлаш учун тирноқ ости-
дон кир қидирадилар; бугина эмас, тўғридан-тўғри
унинг юрагига ханжар урмоқчи бўлиб чанг соладилар,
ҳаётини умрбод заҳарламоқчи бўладилар; Раънони хон-
га тақдим этишдек ғоят мунофиқона машъум йўлни
қидириб топадилар. Шу онда асарда драматик вазият
дафъатан зўрайиб кетади. Ёзувчи халқ ҳажвиётидан

андоза олиб аксилинқилобчи руҳонийлар типини Қалвак махзум образида умумлаштирган эди. Шариат пешволарининг, мулла-мирзоларнинг кимлиги, қилмиши, сир-асроридан воқиф бўлиб, уларнинг бу ифлосликларини ўз кўзи билан кунда кўриб юрган Анвар, Султонали, аламзада Сафар сиртига сув юқтирмайдиган мансабпарастларнинг кирдикорларини шу қадар аёвсизлик билан очиб ташлайдиларки, бундай фош этишни ҳатто ҳажвий афанди латифаларида ҳам кам учратамиз. Савлатидан от ҳуркадиган бу уламоларнинг пасткашлиги, сотқинлиги, дин ниқоби остида қилган ярамасликлари, товламачилиги романда уларнинг амалий фаолияти, хатти-ҳаракати орқали очилади.

Анварнинг содиқ дўсти Султонали (у ҳам саройда мирзолик қилади) Сафар бўзчи билан сўзлаша туриб айтади: «Бор, бор: пул берсангиз харом ўлган эшакнинг ҳалоллигига фатво берадиган муфтилар» (171-бет). Ана шундай ҳаромхўр кишилар феодал давлат маҳкамасида иш юритадилар. Султонали Анварга бўлган ишни тушунтираркан, деди: «Саллалик эшакларнинг дириглаши оғилхонагача... Улар мирзо Анвар уйланмоқчи бўлган қизни хонга тўғрилаб, шунинг билан гўё ўч олмоқчилар! Мирзо Анвар хотинсиз қолсин, демоқчи-да, бу ахмоқлар!.. Кесақ отиб арслонни енгмоқчи бўлган галварсларнинг ишига кулгим қистайдир...» (188-бет).

Ёзувчи хон зулми ва истибдоди айни авжга минган бир даврда ҳақсизлик қаршисига Анвар, Раъно, Султоналини қўяркан, бу тенгсиз курашда инсонийлик, мардлик, жасорат, маънавий олижапоблик ва виждоний поклик ғолиб чиққанига ўқувчини ишонттиради. «Бу калтакесак ютган чаённинг юрагида... адоват бор»лигига тамоман ишонган Анвар Отабек каби хайрихоҳ қотиллик қилмайди. Балки мана шу ҳайвонсифат одамларга қарши очикдан-очик яккама-якка курашади.

Халқ дostonлари ва ривоятларида тасвирланган гўзаллик ва қаҳрамонлик ҳақидаги идеал тушунчалар Анвар ва Раъно образларини яратишда ёзувчига озик берганлигига ишониш мумкин. Зотан, бало-офатлардан омон қолишда ақлни пешлаб тадбиркорлик билан иш кўрган дostonлардаги девкор, алп қаҳрамонлар (Фозил Йўлдош куйлаган «Интизор», «Нурали» в. б.)нинг ақл бовар қилмайдиган ишлари Анвар жасорати ва довжорақлиги билан мазмунан ҳамоҳангдай туюлади. Ёзувчи бу икки образни оми, ўқимаган, калтафаҳм, ғофил,

гўл бандалар тарзида эмас, балки ақлли, зеҳнли, заковатли, тadbиркор кишилар қилиб тасвирлайди, ижтимоий ҳаётнинг дошқозонида қайнаган Анвар ўзи ва севгилиси тақдирига тўғри баҳо беради. Достонларимизда «ёр дейману номус-орга борама» деб айтилган қасамга амал қилгандай Анвар, Раъно ва дўсти Султоналини орият ва виждонийлик важдан бутун қалби, қудрати ва иродасила курашиб ҳимоя қилади. Бироқ шу нарса аниқки, фольклорда халқ идеали қилиб тасвирланган гўзаллик (мардлик, тўғрилиқ, виждоний ҳалоллик, дўстлик, маънавий баркамоллик, жасорат) кўпчилиكنинг умумлашма тушунчаси бўлиб ифодаланади, ана шу умумхалқнинг эстетик критериялари заминида Абдулла Қодирий Анвар ва Раъно образларининг индивидуаллашган гўзаллигини, яъни шу гўзаллиكنинг конкрет шахслардаги кўринишларини кашф эта олди. Натижада ёзувчи ижобий образларидаги гўзаллик тажассумини фольклордагидек умум нуқтаи назари билангина эмас, балки реалистик адабиёт талабларига мос равишда иш кўриб, такрорланмас индивидуал образлар яратди. Бинобарин, романда фольклор образлари, сюжетлари, ибора-ифодалари билан бирга унинг тасвир принципларидан ижодий озиқланганлиги кузатилади. Халқ ижодиётининг тасвир принциплари ёзувчининг бадиий маҳорати туфайли реалистик тасвир принципларига сингдириб юборилгандир.

Қодирий халқ ижодиётининг тасвир принципларидан фойдаланганда Анвар ва Раънонинг фақат амалий фаолиятини кўрсатишда ёки севгида садоқат туйғуларини бутун теранлиги билан тасвирлашдагина эмас, балки гўзал ёр — Раъно портретни моҳирона чизишдаёқ унга суянади. Алишер Навоийда ўқиймиз:

Юзида терни кўриб ўлсам, эй рафиқ, мен
Гулоб ила юву гул баргидан кафан қилгил.

Халқ шеъриятида шундай сатрлар бор:

Ёзи ўлса гўрини ҳурлар қазар
Зебо ёр тобутини гулдан тузар.
(«Ёзи билан Зебо» достонидан)

Еҳуд:

Бир севимли ёр учун лахта қон ютмоқ керак
Шишадан тобут ясаб, гулдан кафан бичмоқ керак.

Абдулла Қодирий бу икки манбадан ижодий озиқлана-ди ва ўз севимли қаҳрамонининг ўзгача қиёфаси билан ўқувчини таништиради. «Аммо Раънонинг исми жисми-га, ёҳуд ҳуснига жуда мувофиқ тушган эди. Мен рассом эмасман... фақат менга раъно гулининг сувигина кўпроқ керак бўлар эди... бу гўзал қиз, оч раъно гулнинг туси-да, ёки оч-сариқ тусда яратилган эди... гўё бизга чин раъно гули очилган ҳолатда кўринар эди» (18-бет).

Ёзувчи Навоий ва халқ ғазалидан кўчирмачилик қилмайди. Балки, улардаги тасвир йўлидан фойдаланиб, ўз қаҳрамонининг кўриниши, тусини бизга аниқ кўрсатади. «Фарғонанинг куйларга қўшилиб мақталатурган гўзалларидан эди», дея Раънонинг индивидуал қиёфаси билан халқ тушунчасидаги зеболигини чаतिштирган ҳолда гавдалантиради. Халқнинг қарқиноқдан булбул чиқибди, деган маталини кўзда тутган ҳолда Махдум хонадонидеда етишган бу маъсума қиз ҳақида сўзлаб, эл оғзида талқин этиладиган тикансиз гул, садафсиз дур бўлмайдиган деган образли ҳикматларини ўринли келтиради.

«Солиҳ махдум хасис, тамагир, ҳар ҳолда сажияси эътибори билан уни яхшилар қаторига қўйиб бўлмайди. Ба лекин табиат хасис эмас; тикандан гул, аридан бол ярата беради. Шунга ўхшаш тиканлик ёғочдан хуш исми, латиф кўринишли Раъно яратилган эди» (18-бет). Шундай қилиб, фольклор материаллари, образлари, тасвир йўллари Қодирий романларида сув юзидагидек қалқиб кўринмайди, балки унинг руҳига, мазмунига, реалистик тасвир мантиқига омухта бўлиб кетган. Анварнинг шижоат билан хон ҳузурида пайдо бўлиши ақл бовар қилмайдиган бир иш эдики, ёзувчи бу ҳолатни тасвирлашда ўзгача бир йўл тутди. Анварнинг ҳозирги жасорати олдида дostonларда тасвирланган жанглар бир соя бўлиб қолади, чунки у хон ҳузурига ўз садоқатли дўсти Султоналини зиндондан қутқариш, ноҳақ оғир жазода омон сақлаб қолиш учун онгли равишда ўлимга маҳкум этилганини бутун вужуди билан сезган ҳолда бораётир. Шу тариқа Анвар ҳалоллик, виждоний поклик, ҳақиқат йўлини танадди. Анвар билан хон, муншийлар ўртасидаги жиддий ҳаётий зиддиятлар маълум даражада утопик характерда экани равшанроқ кўринади.

«Шундай ўрда арбоби букун пешиндан бир оз илгарироқ мужассам бир виждон, тоғюрак бир йиғит ва ўлим сари кулиб келувчи бир арслонни ўз тарихида би-

ринчи мартаба кўрди ва тонг ажабда қолди. Бу улў жасорат бир неча дақиқаларгача зулм итларини сукутга солди, уларни ишдан тўхтатди. Ўрда арбобларининг маҳкамада ўтирганлари эшик ёнига чиқиб, йўлда борганлари ҳаракатсиз қолиб, парвосиз ҳар ким ёнидан саломлашиб ўтгувчи арслонни томоша қилдилар» (241-бет). Гарчи Анварнинг кўзига қон тўлган, юрагини қўрқувсиз бир даҳшат алангаси қоплаб олган бўлса-да, ўзини мардонавор хотиржам, совуққонлик билан тутиши ундаги ирода ва мардлик аломати эди. Чунки у хондан марҳамат сўраб келмаганини айтаркан, «жаллодларни арслонларча силтаб юборди»: «Гуноҳсизни (Султоналини — *0.C.*) менинг кўз олдимда банддан озод қилинмас экан, Анварни бу ердан чиқара олмаслар, қиблаи олам — деди ва ўзини ташқарига торта бошлаган жаллодларни арслонларча силтаб юборди, — сизда адолат борми, жаноб!» — (243-бет).

Езувчи Анвар жасоратидан ҳанг-манг бўлиб қолган хоннинг ташқарига қолганини жуда таъини тасвирлайди: «Рақибни бу қадар жасоратда кўрган Худоёрнинг киприк остлари ўчиб, соқол туқлари силкиниди ва бир оз сўз тополмагандек тамшаниб турди» (242-бет).

Салбий типнинг юзидаги бу хил ўзгариш унинг ички маънавиятини, ўзидан зўр бир душман билан тўқнаш келганини яхши фаҳмлаганини билдирар эди. Ўз айбига иқдорлиги ва бундан тонмаслигини қатъиятлик билан айтган Анвар хонни мусулмончилик хусусидаги савол-жавобда лол қолдиради, у хонни «Сенинг қиғон ишинг мусулмонликда борми, ит увли?» — деган саволига:

— Мусулмончиликда юзлаб хотин устига, бир камбағал уйланмоқчи бўлган қизга ҳам зўрлик қилиш борми, қиблаи олам!», — деб жавоб беради (243-бет).

Анварнинг сарой зодагонларини айбловчи заҳарли сўзлари рақибига хайжардек қадалди. Лекин илоннинг ёғини ялаган мулла Абдурахмон одамлар орасида безбетлик қилиб турди; доғули душман қилар ишни қилиб қўйган, у шунчаки голиб бўлса-да, Анварнинг ўқдек отилган нафратли сўзлари нишонида қолди — у тирик мурда эди.

Анвар бошга тушган азоблардан қўрқмади, чўчиб ўтирмади, ўқувчи адолат Анвар томонида эканига тўла ишонади; тўғрироғи, Анвар асарда халқимиз идеалидаги олижанобликнинг мужассам тинмсоли бўлиб гавдаланди.

А. Қодирий Анварнинг севгилиси Раънони ҳам худди шу идеал нуқтаи назаридан тасвирлаган. Устдан қараганда нозиктаъб, Солиҳ махдумдек диндор хонадонда Раъно тўрт девор ичида, қабоҳат авжга чиққан бир даврда тақдирнинг бундай фалокатли найрангларига қарши тура олиши мумкинми? Асло йўқ! Замон бошқалар каби Раънони ҳам тақдирнинг оғир тошига боглаб сувга чўктирмоқчи. Лекин у тақдирга тан бермади, тиз чўкмади. Анвар таъсирида, кўмагида дарё оқимиға қарши қулоч кириб сузишга отланди; ўзида фавқулодда ирода, шижоат, куч борлигига ишонди. Бу — севги ва садоқат ҳадя қилган муҳаббат кучи бўлиб, унинг қон томирларида оққан эзгу ният қудрати эди.

Раъно эркак либосини кийиб ишга киришгунча Анвар унга муаллимлик қилди, севги сирлари, висол ва ҳажр бобида, ирода ва иродасизлик, умид ва умидсизлик ҳақида дарс ўқиди; бу шунчаки юнатиш, тасалли бериш учун ўнгит-насиҳат эмас, балки ҳаракат йўлланмаси ҳам эди.

Анвар Раънога бошга тушган кулфатнинг асл сабабларини — ижтимоий адолатсизликнинг моҳиятини бирма-бир тушунтиради: унинг кўзини очади, юртда сохта обрў қозониб олган, ўз шахсий манфаати йўлида ўта разилликка бориб, бечора, кўмаксиз нотавон қизнинг бахтига чанг солиб, умрини хазон қилишга зомин бўлганлигини сўзлайди; ҳаётда яшириниб бижғиб ётган ёвузликлар, домла-имомлар, мирзо-амалдорлар, хонлар фаолиятида ҳамиша бир аждаҳо мисол ҳар бир хонадонга заҳар сочмоқдаки, бундан зарар кўрмаган ҳеч ким йўқ. Анварнинг Раънога берган изоҳлари аслида ёзувчи томонидан романнинг туб конфликти, ҳаётнинг ички қарама-қаршилиги, антагонистик синфий жамиятнинг типик ҳодисаси сифатида баён этилади.

Анвар кўргулик, пешона, тақдир деган тушунчаларга ўз ақл-идроки ва фаолияти билан таҳрир киритади. Онанинг ўз қизини юпатиб: «Нега йиғлайсиз? Тақдирни ўзгартиб бўладими?» деб айтишида унинг тақдир ҳақидаги амалий тушунчаси, яъни тақдирни ўзгартиб бўлмайди деган фикри берилади. Анвар эса йиғлаётган Раънони ҳам эркалаб, ҳам юпатиб, тинчлантирмоқчи бўлади; йигитлик ор-номусини, андишасини ҳимоя қилиб ўзидаги ирода, қаҳр-ғазабни бир ерга йиғиб, қудратли кучга айлантиради ва Раънога «Бекорга йиғлайсан, Раъно!

Йиғидан бир фойда чиққанини эшитганмисан ёки мени ҳам йиғлатмоқчимисан?...» дейди.

Анварнинг «ўзингга кел, ақлингни йиғ, оғир қиз бўлиб сўзимга қулоқ сол», деб жиддий огоҳлантиргандан кейин Раънога айтган сўзларида вазиятни ақл тарозусида обдан ўлчаб кўриш ва тадбир билан ишга ўтиш, ҳаракат қилиш зарурлиги уқтириладики, бундан тақдирни ўзгартиш зарурлиги, ҳаёти қил устида турган бир пайтда йиғлаш эмас, балки чора топиш керак эди.

«Кулги соати бўлмаса, йиги фурсати ҳам эмас! — деди Анвар ўтириб. — Сенинг муассасаъ халтачага ўхшаш кичкинагина юрагинг бор; ичини қимматли тошлар билан тўлдиргансан. Бу кун қазо фарроши шу муассасаъ халтачадаги қимматли тошлар орасига қўпол бир нарса келтириб ташлади... Табиий, сенинг кичкина юрагинг бу қўполликни кўтара олмаси, қимматли тошлар сиқилдилар, сен йиғладинг, сенинг каби мен ҳам шу қўполликни қабул қилишда қаттиқ энтикдим, бироқ йиғамалдим. Нега? Негаки бу қўполлик менинг юрагимдаги жавҳарни сиқиб чиқара олмас, фақат унга танглик кина берар эди; сенга ҳам шундай эмасми, Раъно? Хўш, энди бизнинг фожиамиз сабабига келайлик: бу ҳодиса тўғридан-тўғри хоннинг ўзидан келган гап эмас. Хон ҳазми ҳар бир ифлосликни ҳам кўтарадиган катта бир ҳайвон. Унинг теварагида майда ҳашаротлар кўп, булар ҳам ўзларига яраша ҳайвонлик истайдилар. Бироқ қўл қисқа, шунинг билан бирга ётиб қолишга кўнгил тинчимайди. Шундан кейин хон—катта ҳайвонни қитиқлаб ишга соладилар...

Бас, шу ҳолда биз иков нега хафа бўлайлик, Раъно. Ишқ давоси овом ўйлаганча васл эмас—ҳажрдир. Зеро, васл ишқ ўтини сўндирувчи, ҳажр эса камолотга эриштирувчидир. Сен шу иккидан қайси бирисини танлайсан, Раъно?

Раъно кўзини тиззасига тикиб, қўли билан шолча ипини чирмаб ўтирар эди. Ҳалиги савол Анвар тарафидан яна такрорланди.

— Мен кейингисини... Бироқ, хоннинг ифлос тўшагида ётмайман!» (193—194-бетлар).

Раъно кўз ёшларининг ҳарам қизлари йиғисидан сал бўлсада, тафовути бор: Раъно вафодор Анварнинг иссиқ нафасини сезиб, унинг дийдорига тўйиб туриб, ўкинчдан, хонга узатилишдек шум хабардан қатъий порози бўлиб

кўз ёши тўкаётирки, бунн ёзувчи ҳарамдаги умидлари кўкка соврулган, забун, бахти қаро канизакларнинг қоч йиғлашидан фарқли тасвирлайди.

Достонларимизда аёлларнинг эркак либосида от миниб жанг қилиши ижобий қаҳрамон фаолияти сифатида талқин этилади. Ёзувчи Раънонинг жасоратини реал ҳақиқат тарзида беради. Бу билан Раъно маънавиятининг гузал томонларини очади.

Раънонинг Анвар билан биргалашиб Қўқондан кетишга аҳд қилганлиги «Анварни ҳам қалтиратиб юборди». Қиздаги бу жасорат йигитни ҳайратга солди:

«Жасур қиз!» деб ўйлади Анвар. Чиндан ҳам бу жасуруна исён хотин-қизлар томонидан Худоёрнинг ҳайвоний истагига қарши биринчи кўтарилиш эди. Анвар истиқболда қанчалик мушкilot ва хатар кўрмасин, бу жасоратни хуш қабул қилишга мажбур, чунки муҳаббатдан ҳам илгари йигитлик тақозоси шу эди» (207—208-бетлар). Ёзувчи «телпак ва тўн кийган ёш, ўспирин йигит» Раъно ҳақидаги ҳаяжонли мулоҳазаларини «Хайр энди, Раъно!» бобида романга киритилган қистирма гап шаклида давом эттиради: «Хотин-қизлар жинсидан иродаси кучли, ҳатто эрлардан ҳам жасурроқ шахсларни кўп учратамиз. Шунинг билан бирга, уларни, нақадар кучли иродага молик бўлмасинлар, яна ҳиссиётларга маглуб кўрамыз. Масалан, ҳикоямиз қаҳрамони Раънонинг жасорати, хонга қарши исёни, ҳатто маънос қолган Анварни йўлга солиши — ўз замонаси учунгина эмас, бизнинг ҳозирги асримиз учун ҳам лойиқ таҳсин ва Раъно ёшлик қизларимизга ибратдир (238-бет).

Ёзувчининг бу сўзларига тўла қўшилиб айтамызки, Раънонинг жасорати аёлларни асрлар бўйи таҳқирлаган шариат қонунларига қарши ўзича бир исён эди. Раънонинг хатти-ҳаракати достонларда тасвирланган Орзигул, Зулфизар, Барчин, Юнуспарилар табиати ва фаолиятига монанд бўлиши баробарида, уларга нисбатан конкрет, ҳаётий жонли шахс бўлиб туюлади ва бир неча даража юқори туради. Бинобарин, Анвар ва Раъно муҳаббати ижтимоий, ҳаёт тўлқинлари зарбида етилди, ҳақиқий юрак жавҳарига айланди. Авваллари Умар Хайём, Шайх Саъдий, Фузулий газалларидан муҳаббат майини мириқиб ичган бу икки дил жаҳон савдоси билан ҳали иши йўқ кезларида мушоира («Ҳаёт шамъи» боби) айтишиб, бир-бирларини ақл-заковатда синар, балоғат чўққисидан

туриб баҳслашар, осуда яйраб-яшнар экан, тақдирнинг қўққисдан бундай остин-устин бўлишини балки ўйламаган ҳам эдилар. Дўстлари кўмагида Анварнинг жаллод болтаси остидан қутқарилиши, Раъно билан тунда баланд шаҳар деворидан ошиб ўтиб Тошкентга қочиб кетиши воқеалари, Анварнинг «...зулм нақадар кучайса, унинг умри шунча қисқа бўлиши тажрибалар билан собитдир», деган хулосага келиши адоват, туҳмат, зулм, ноҳақлик ниҳоятда авжига чиққан, тубанлик, сотқинлик ҳукмрон бўлган Худоёрхон давлатининг инқирозга юз тутганига бир ишорадирки, бу асар ечимини белгилайди.

Шундай қилиб, Қодирий романда муҳаббат масаласини даврнинг катта социал проблемалари билан ичдан боғлиқ равишда тасвирлади. Бунда у фольклорнинг ўлим билмас қаҳрамонлари руҳидан қониб баҳра олди.

Қизиқлар ва ҳажвиёт

«Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чейн» романида соф фольклор асарлари, жумладан, халқ оғзаки драмаси актёрлари, қизиқчилик санъати билан ҳам танишамиз. «Қовоқ девонанинг белбоғи» бобида («Ўтган кунлар») кўча-кўйда одамларга кулги бўлиб юрган Қовоқ девонани ёзувчи тавсифлаб шундай дейди:

«Қовоқ девона деганимиз ўрта ёш, сийрак соқол, қотма, кун иссиқлигига қарши ўчакишгандек бошига эски телпак, эгнига пахтасидан бошқаси тўзиб кетган гуппи чопон кийиб, белига янги бўз белбоқни беш-олти айлан-тириб боғлаган ва унга беш-олтита чилим қовоқдан тортиб то сув қовоқ ва томоша қовоқларгача оғирлигидан аранг ҳаракат қиладиган, ўз замонасининг машҳур бир девонаси эди» (155-бет).

Девона-қизиқчининг шу туриши — портрети кишининг кулгисини қистатади. Бошқалар учун эрмак бўлган Қовоқ девона одамлар ўйлагандек тентак эмас, унинг сўзларида маъно бор. Ў юрт бошлиқларини қовоқлари мисолида масҳара қилади, кулади ва кулдиради. Устдан қараганда девона ва чойхонадаги чойхўрлар ўртасида рўй берган суҳбат бекорчиликда қилинган майнавозчиликдай кўринса-да, аслида бу қизиқчи ва томошабинларнинг юрт зодагонларига бўлган муносабатини билдиради. Кулги девона учун бир воситадир, бунга «Қовоқ девона, белидаги қовоқлардан битта эгри маймоғини кўрсатиб, «мано-

ви Мусулмон чўлоқ!» деди, унинг ёнидаги кичкина томоша қовоқни туртиб, «бунов, Худой бачча» (Худоёр бачча) деди, сув қовоғини эркалаб «Нор калла» (Нормухаммад қушбеги) деди. Қолган иккита силлиқ қовоқчаларни «носқовоқ, юпқа томоқ» деб қўйди (157-бет). Девонанинг бу сўзларидан Худоёрхоннинг «хон бўлмаса ҳам хонликдан юқори бир кучга молик бўлган сиёсат курсисига ўтирган» Мусулмонқул қўлида бир ўйинчоқ эканига ишора бор. Чиндан ҳам, Мусулмонқул хонни ўйинга солиб, фуқаронинг бошига не-не кулфатларни келтирмади; юзлаб бегуноҳ бечораларнинг ёстиғини қуритмади.

Нор калла эса, Азизбек сингарни бошбошдоқ жоҳил, золим амалдорларнинг бири. Девона томонидан улар номининг тилга олинishiдаёқ уларнинг элни зулукдек сўриб келган, қамчинидан қон томган золимлигини пайқаш мумкин. Девона тилида насрда сатҳни учратамиз. «Носқовоқ, юпқа томоқ» қофиясида хон ва амалдорларнинг хотинбозлиги, машаққатпарастлигини эслатмоқчи бўлади. Одамлар ундан: «Онангиз сизни нима учун туққан?!» деган саволга «хоннинг қўйини боқиб учун, қовоқларни белга тақиш учун», деб жавоб беради. Ҳазил-мутоиба билан айтилган бу сўзларда умрини бировларнинг эшигида бефойда ўтказган кишининг фикрини баён этаётганга ўхшайди. Шунингдек, «девона қовоғининг таржимаи ҳолини сўзлаб берди:— Дадам мусаллас қовоқ, ойим ош қовоқ, мен бел қовоқ..— деди». Девона бу ўринда тирикчилиги фақат қовоқ бўлган фақир оилаларни кўзда тутмоқчидир, балки.

Девонанинг тингловчилари ҳам бўш келмайдилар. Шўхлик билан девонанинг қовоғини ўғирлаб қўядилар-да, уни калака қиладилар. «Қовоғингизни тушириб берсам, нима берасиз?» деб сўралганда, девона жавоб бериб дейди: «Сўраганингни ол, жинни ...Ойим қишмига бек бўл, тентак, тилла жабдиқли от мин, жинни». Бу сўз ҳам шунчаки айтилганга ўхшаб кўринса-да, замон амалдор ва бойваччаларнинг демоқчи. Девона кўз оғриғи—айғоқчига Отабекнинг уйлангани ҳақидаги (янги белбоғни тўйдан олгани) хабарни оғзидан илиниб айтиб қўйди; масаланинг бу томони Ҳомиднинг Тошкентга атайин юборган кишиси учун даркор эди. Агар бу романда Қовоқ девона бир оз юмористик образ сифатида кўринса, «Меҳробдан чаён»да тўла маънодан

ўта ҳажвий — ўткир сатирик қизиқчилик ижрочиси сифатида кўрсатилади.

Абдулла Қодирий халқ қизиқчилилик санъатининг но-зик сирларини яхши билган. Бу соҳа билан у «Муштум» журналида ишлаган кезларида янада кўпроқ қизиқди, ўзи ажойиб ҳажвий ҳикоялар, мақолалар ёзди, «Кулги ҳақида», «Кулдирувчиларимиз», «Ёзишғувчиларимизга» мақолаларида халқ ижодкорлари, халқ ҳаётида кулги санъатининг аҳамияти, бадий адабиётда тутгап ўрни, кулги йўллари ва бпр-биридан фарқли томонлари, улар-дан А. Қодирийнинг ўз асарларида қанчалик фойдалан-гани тўғрисида жуда нодир фикрлар баён этилган. Ай-ниқса, пичинг, кесатиш, киноя, тағофил, булар орасида характер кулгиси муҳимлигига ўқувчи эътиборини ало-ҳида тортади. Ҳар қандай истеҳзоли кулгини юзага чи-қаришда ҳазил, киноя, муболаға, тафсир, ташбеҳ, там-сил, истиора ва бошқа халқ мақоллари ёки таъбирлари ишлатилишини айтади. Ҳозирча биз учун эътиборли бўлган томони шундаки, ёзувчи хон сабойидаги кизик-лар, уларнинг санъати, аъёнларнинг кўнгил очиши учун кўрсатадиган томошаларининг характери, қизиқчилар-нинг тақдири ҳақида қимматли материаллар беради. Демак, А. Қодирий «Меҳробдан чаён» романини ёзгунча меҳнаткаш халқ ҳаёти ва унинг оғзаки бадий ижодини ипидач-игнасиғача пухта ўрганган, билган; халқ қизиқ-чилари санъатини асарда кузатган ғоявий ниятига тўла бўйсундирган ҳолда киритган. Абдулла Қодирий «Кул-ги ҳақида» мақоласида қуйидагича баён қилган эди.

«...Хон замонларида хонга ёки шунинг каби катта мансабли бекка ҳазил тўқиш мумкин эмас, аммо қуйи мансабли қози, ўнбоши, чўғол ва шулар сингари кичик маъмурларга муқаллид ва мутойиба қилиш мумкин эди. Бунга мисол учун тарихдан изласак кўрамиз; ўрта аср-нинг 80-йилларида Афғонистондаги тахт жанжаллари ва ички ихтилофларидан қочиб, Амир Абдураҳмонхон Туркистонга сигинадир. Шунда бир неча вақт қолиб, тошкентлик Қалпараш исмли ўз замонасида машҳур бир қизиқ билан танишиб қолади ва унинг тақлидига, ҳазилига мафтун бўлади. Абдураҳмонхон бир неча за-мондан кейин Афғонистон тахтига ўтириб, Қалпарашни ўз ёнига чақиради. Қалпараш ижобат этиб Кобилга бор-гач, хон воситаси билан ундаги мансабдор ва аъёнлар билан танишадир. Хоннинг ишорати билан анжумани

олийлардан аёнга ҳазил тўқиб, уларга муқаллид бўла бошлайдир. Хон билан бўлган бир мажлисда хоннинг рухсати ила Қалпараш олдин бекларга бирма-бир ҳазил ва тақлид қилиб чиққан. Қайфи келиб хурсанд бўлган хон: «Менга ҳам муқаллид бўл, ҳазил тўқи!» деб Қалпарашга буюради. Қалпараш буйруқ бўлгандан сўнгра хоннинг ўзига муқаллид бўлади: хон каби тахтда ўлтириб чилим сўрайди. Пояси чилимни яхши тайёрланмагани учун ғазабланиб, уни ўн дарра уришга буюради. Бу тақлидни Қалпараш шундай адо қиладики, кўрувчилар худди хоннинг ўзини айни ҳолатда кўрадилар. Аммо хон ўзининг қилиғидан орланади ва шу ҳолатда Қалпарашни жаллодга топшириб, ўлдиртиради... Инсонлар онги ўсиб, орада синфлар туғилгандан сўнг кулгилик бирмунча ўсган, яъни бир синф иккинчи синфдан, камбағал бойдан, мурид эшондан кула бошлаган.

«Ошқовоқни қайнатиб, ёғини олган авлиё» ёки: «Эшонимнинг тасбиҳлари носқовоқ» каби синфий ҳажвлар шу жумладандир»⁵. «Худоёрнинг энг яхши кўрган қизиги Зокир-гов»нинг ўйинлари билан кўнгил очган хон унинг ҳар қандай ҳаракати, сўзи, қилиғига фақат бир кулгили томоша деб қарар эди. Шунинг учун бўлса керак, қизиқчи Худоёрхондай аркони давлатида, хон ҳузурида ўзини эркин тутадди. Хон ва унинг амалдорларини назар-писанд қилмайди, «Зокир-гов бошини рукучдан кўтариб, гўё жаноза ўқиган кишидек, икки елкасига салом берди. Яна гурр этиб кулиб юбордилар. Зинанинг иккинчи бошида турган Дарвеш ҳудайчи Зокир-говга танбеҳ берди:

— Кимнинг ҳузурида турганлигингизни унутманг!

Зокир-гов қўли қовуштирилган ҳолда, гавдасини қимирлатмай ёнидаги ҳудайчига қаради:

— Ўзим билиб турибман, бу ерда аҳмоқ бор, деб ўйлайсанми?» (142-бет). Бугунги томошага қизиқчилар алоҳида тайёргарлик кўришган. «Шосупадан бироз нарида, атрофи бордон билан ўроғлик бир қапа пайдо бўлган ва бу қапа ичида бир неча киши суҳбат қуриб ўтирар эдилар». Ёзувчи даставвал Зокир-говнинг ташқини қиёфасини таништиради:

⁵ А. Қодирий, Кичик асарлар, Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1969, 182-бет.

«Барчанинг кўзи бояги бордонлик уйга тушди. Бордон ичидан узун бўйли, қора соқолли, устида малла тўн, симобий бўз салласининг пешини бир қарич осилтирган бир киши чиқди, тамкин, виқор билан битта-битта юриб келиб, зина ёнида хонга қарши тўхтади. Хондан тортиб, ҳаммага табассум туси кирган эди. Киши, хонга қарши турган ҳолда, салласини тузатди, соқол-муртини силади, тўнини қоқиб, олдини ўради, сўнгра хотиржам рукуъга борди. Бирдан хон ва раият кулиб юбордилар» (142-бет).

Зокир-говнинг ҳар бир сўзи, ҳаракати остида катта маъно бор, ҳар гал у хонни кулдиришни кўзда тутди, нимаики бўлса ҳам уни хурсанд қилса, кўнглини очса. Ана Зокир-гов гап бошлади: «Хонимга арзим бор!». «Хоним» дейиш билан Худоёрхоннинг илгари бачча бўлганини эслатмоқчи. Сўнгра у ўйланиб қолади. Бордию, ўйламай-нетмай тўсатдан хон ҳузурида оғзига келганни гапириб юборса борми, қолди балога. «Ёки мен ҳам сўнградан сўнгра бўлсам бўлмасми?» деб жавоб беради у. Бундан кейин қизиқчининг ўйланиш сабаби, арзини бошида пишираётганининг боисини яна изоҳлайди. «Иўлда нимани ўйладинг», деган саволга «Хон ҳузурига бораётиман, деб ўлимни ўйладим, етим қолатурган болаларимни, мен ўлгандан сўнг эрга тегатурган янгангизни ўйладим! (Кулги)» (143-бет). Бу айтилганлардан хондан нажот истаб арз-дод сўраб келган кимсанинг унинг марҳаматидан кўра зулмига дучор бўлиш тайинлиги уқтирилади. Ҳажвнинг тиги хон ва унинг амалдорлари ёвузликда бир-бирдан ўтадиган жоҳил, бераҳм, золимдир, деган фикрни кулги аралаш билдиради. «Тақсиримга биринчи арз шуки, — деди Зокир-гов, — ёлимда турган шу бақа афтни мenden нари қилсангиз, зеро бунингизнинг дағдағаси сизникидан ҳам ўтадиган кўринади! (Кулги)» (143-бет).

Қизиқчи ўйин кўрсатишдан олдин хонни дуо қиларкан, насрдаги саъж ёрдамида фикрнинг баландпарвоз, тумтароқ сўзлар билан ифодаланиши бежиз эмас; хон қошида фақат ана шу оҳангда, мақтов пардада сўзланиши шарт; фақат шундай пайтдаги нутқгина подшолик салтанатига, олампаноҳ обрўсига хуш келади. Қизиқчи шунга ишора қилгандек, хонни кўкларга кўтаради, унга тилёғламалик, хушомадгўйлик қилиб, унинг тахт-тожига барқарорлик, ўзига боқий умр тилайди. Тил учиди

айтилган бу сўзлардан сўнг қизиқчи ўз аҳволини — дарбадарликда, муҳтожликда, ғарибликда ҳамдardлик билан узундан-узуn дуoга қўшиб айтади. Қoфияланиб кeлаётган «саҳoватда хотам» ва «қаҳри келса мотам» сўз бирикмаларида аввалгиси хонга хуш ёқиш учун айтилганлиги сезилиб турибди; иккинчисида эса, хоннинг асл башараси очилади, унинг чиндан ҳам халқнинг жаллоди деган фикрни қизиқчи сўз орасига қистирар экан, хон сиёсатида дўқ, ўлим хавфи билан қўрқитиш ҳаммаша, ҳар дақиқада қўполлик ва дағдаға ҳукмрон экани таъкидланади. Бу асосий фикрни ювиб юбориш учун қизиқчи хонни фуқаропарвар, ҳамиятли дея уни инсофга, адолатга чақиргандай бўлади — яна қизиқчининг тилида шакар, дилида заҳар бўлса ҳамки, у бир амаллаб хонни кулдириш пайига тушади. Қизиқчи хон аъёнлари даврасида «хунар» кўрсатмоқчилигини сира унутмайди. Шу вaждан бўлса керак, у ўзи кабиларни «аҳли тама бечоралар» деб илтижо қилади. Бу ўринида тама сўзи хон амалдорларига нисбат берилгани кесатиққа ўхшайди. Хуллас, қизиқчи бир кесак билан икки-уч қаргани нишонга олади.

Ёзувчи қизиқчининг бундай паст-баланд дуосини шундай моҳирона тўқиганки, натижада унинг тили билан бутун халқ номидан истеҳзо, киноя билан, ўзини қуйи тутиб туриб ҳажв қамчиси билан феодал сарой амалдорларини обдан савалайди. Демак, қизиқчининг тили тагида бошқа бир тили бор; унинг дуосига эшитувчилардан кўра, ўқувчи кўлроқ зеҳн солади, тушунади; Зокир-гов хон қизиқчиси эмас, балки халқ вакили эканига ишонади, уни севади.

«Хон ҳазратимнинг давлатлари кам, ўзларида ғам, кўзларида нам, душманларида дам, қадларида ҳам бўлмасин... Шаҳзодамнинг бошларида бахт, остларида тахт ўйнаб, ёш умрларига ажали бевақт етмасин... Шоҳи бахтиёрнинг хизматларига бел боғлаган оқ салла, кўк салла, тўни малла оталаримизнинг диллари ҳам ҳаммаша соқолларидек оқ бўлсин, омин, омин! Соний, арзи бандалигимиз шулки, биз, дарбадари девона, ақлу хушдан бегона, халқ тилида афсона, элкезар ғарибона қулларингиз дарду алам ютар эрдик, қаламравингизнинг бир четида ўтар эрдик, дедиларки, бу диёрнинг ҳoқони, Искандари соний, зару зевар кони, элнинг ошу нони, яъни саҳoватдан Ҳoтам, қаҳри келса мотам... ғу-

рабо ёридир ва яна бизлардек бозори касод дарбадарлар, энаси кўчада туққан бепадарларга ҳам эҳсони жорийдир, деб биз аҳли тамаъ бечора, нафс илгида овора ғариблар ҳам қайсимиз беш пайса, ўн пайса тамаъ хапидан ютиб, даргоҳингизга юзландик, токи эски-туски ҳунарларимизни арз қилсак, жанобингизни беш пул, ўн пул қарз қилсак, деб... (Кулги), (143—144-бетлар). Бу ўринда шуни айтиш керакки, қизиқчининг нутқидаги сажъ кулгили ҳолатни юзага келтиришда муҳим вазифани ўтамоқда, бордию, айтувчи аини шу фикрни сажъсиз айтса, интонация йўқолади, сажъ бўлиб келаётган сўзларга урғу тушмайди, эшитувчининг диққат-этибори яхши тортилмайди. Шу важдан ёзувчи достонларда кўп келтириладиган насрдаги сажни жуда ўринли қўллаган.

Ана энди Зокир-гов асосий ҳунарини, қизиқчилик ўйинини кўрсатишга ўтади. Бордон ичида навбат кутиб ўтирган Баҳромбойни баланд овоз билан чақиради. Сарринг тўнлар, шодона либосларга беланган кассо-кассо-лар даврасига қондек қип-қизил гиламлар тўшалган кўркам бир жойда кескин контраст ҳолат юзага келтириб, ўзининг юпун, бечораҳоллигини кўр-кўрона намойиш қилиб «бордон ичидан бир оёғида кафш, иккинчиси кафшсиз, олди очик, кир ятакдан бадани кўринган, бир қўли билан елкасини қашиб, иккинчиси билан иштонбоғини ушлаб, бош яланг бир йигит чиқди» (144-бет). Кўриниб турибдики, ёзувчи ўзининг қизиқчи қаҳрамонларининг ташқи қиёфасини тасвирлаганда ҳам маълум гоёвий ниятни кўзда тутди. Бу жиҳатдан Зокир-гов юқорида «бақа афт» деб таърифлаган дўстининг қиёфасини ёзувчи шундай хунук, бадбашара қилиб гавдалантирадигани, бу ўта юмористик портретдан масхарабознинг юзига ниқоб кийганлигини тасаввур этиш мумкин. Бу қизиқчининг номи Бахтиёр; исми жисмига номуносиб бу қизиқчи шундай «безалганки» уни дастлаб кўрган одам ўзини кулгидан тўхтатолмайди. Бу номуборак даргоҳда, қон ва ўлим иси келадиған хон саройида инсон бахти ҳақида фикр, гап бўлиши ғайри табиий бўлгани учун ҳам жўрттага қизиқчи Бахтиёр деб номланади. Асли бахти қаро қизиқчи ўзига келишмаган ном билан даврага чиқаркан, ёзувчи уни бошдан-оёқ, бирма-бир бўрттириб тасвирлайди, қаршимизда туппа-тузук одам эмас, балки табиатнинг бир махлуқи тургандек бўлади.

Гўё уни уламолар таъбирича худо қаргаган, кўргулик пешонасига азалдан битилгандай. Аслида у хон аъёнларига ўзини кўрсатиб, сенларнинг замонангда мен шундай аҳволга тушиб қолдим, деб айтаётгандай.

«Чиққанлардан бири пак-пакана, юм-юмалоқ, лўплўнда бир махлуқ эди. Унинг гавдаси бу қадар «келишган» бўлиши устига, башараси ҳам шунга монанд тушган, томогининг остида чўғири қовундек бўқоқ ғовлаб ётар эди. Унинг гавдаси мисоли бир гупчак бўлса, шу гупчакнинг юқорисига катта бир сув қовоқни, бош бўлсин, деб ўрнатган эдилар. Ва бу ялтир қовоқнинг бетида кўз бўлиб, қуёшда қовжираган иккита гўлин туршак, оғиз ерида бир кафш, бурун ўрнида юқорига қараб ўрмалаган баҳайбат бир қурбақа ва қулоқ мақомидасу қовоқнинг икки бағрига тиралган икки ошлов турар эди. Қош ва бошдаги соч тўғрисида оғиз очиб бўлмас, аммо беш-ўн тук, яъни соқол-мурт ғира-шира кўзга чалинар эди. Сепкил ва чечак доғи бу бетни «музояқакор» қилиб кўрсатганидек, оёғидаги чориг, устидаги қисқа, эски алак чопон, белидаги беш-ўн айлантириб боғланган бўз белбоғ, бошининг учдан бир қисмигагина қўниб ўтирган тор пилта дўппи бир «хусн»га яна бир юз «хусн» қўшиб арз қилар эди. Бу махлуқ доимий ўрдада турадирган хоннинг кундалик қизиги мулла Бахтиёр эди. Иккинчиси, мулла Бахтиёр билан ўчакишгандек, жуда узун бўйли, ғилай кўзли, ажина қошиқдек юзли, қотма, ўзининг бўйидан ҳам узунроқ тўн ва бошига қаландар қулоғи кийган, яланг оёқ, ўрта яшар Давлат исмлик яна бир қизиқ эди» (145-бет).

Халқ санъати актёрлари турли қиёфада маска кийиб оғзаки драма асарларини сахнада ўйнаганлар⁶.

Абдулла Қодирий бу хилда аниқ, барча деталларини батафсил моҳирона тасвирлашидан унинг қизиқчилик санъатини пухта билганлиги, улар кўрсатган томошаларни синчиклаб ўрганганлиги равшан сезилади. Ёзувчи Бахтиёрнинг калласини сув қовоқ қилиб кўрсатади. Чиндан М. Қодиров айтганидек, «Маска шундай ясалади: қовоқ идиш иккига бўлиниб, бир бўлаги олинди ва унда кўз, оғиз тешиклари ўйилиб, атрофи кўмир билан бўялади, ҳамирдан бурун ясалади, қош чизила-

⁶ М. Қодиров, Ўзбек халқ оғзаки драмаси, Тошкент, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти, 1963, 45-бет.

ди, пўстакдан қилинган соқол-мўйлов ёпиштирилади. Шу тарзда ғалати, бадбашара юз ҳосил бўлади»⁷. Мо-жаро йўқолган бир пой кафш устида. Зокир-гов Бахтиёрнинг бўқоғини кўрсатиб, «Кафшнинг ўкчаси тикилиб қолипти-ку, иним!» — деди. Роса кулишди (145-бет).

Хон ҳузурига салом бериш учун келган Бахтиёр, Давлат, Баҳромлар хон ва амалдор бекларни кўриб, ҳанг-манг бўлиб қоладилар, довдираб эсанкирайдилар, кўрққанларидан ўзларига ўлим тилаб айтилган дуога бефарқ ҳолда қўл кўтарадилар; Баҳром кўрқа-писа бир нима демоқчи. Хуллас, ёзувчи у одамларни — қизиқчиларни салтанатли хон олдида даҳшатли воқеадан дафъатан васвасага тушиб қолган, рангги ўчиб, қони қочган, худди бир аҳмоқ, эси паст, тентак кишилар ҳолига келтириб, оғзига келганини қайтармайдиган, гўё ўзи нима деяётганини ўзи билмайдиган даражада тасвирлайдики, бу ҳол кўнгил очувчиларга мазаси, кулини, китобхонга эса ўткир ҳажв бўлиб туюлади. Томошанинг бу қисмида халқ қизиқчилари ўзларини атайин муғомбирона гўлликка, калтафаҳмликка солиб, хон ва унинг амалдорларини фош қиладилар.

«Салла-калла, шону-шолопни кўриб, ўзимиз ҳам жуда кўрққанга ўхшаймиз... Манови Давлат бўлса — «Бу ўлтирганларнинг ҳаммаси ҳам одамхўр», — деяпти (Кулги). Энди тилагимиз шуки, бизларга жавоб берсалар, жойимизга тинчгина кетсак... (Кулги) Илоҳи мана шу ўлтирганларга худойим инсоф берсин... (Кулги). Юрагимиз жудаям чиқиб кетяпти! (Кулги).

— Ҳай, тилакларинг билан бориб ёт! — деди Зокир-гов ёнига уриб. — Қочиб қол, еб қўяди!!

Орадан «дод» деган товуш чиқди, учови ҳам уч томонга қочар экан, Бахтиёр Давлатнинг оёғига чалиниб йиқилди (Қаттиқ кулги). Баҳром билан Давлат, олпонг-толпонг бордонга кириб кетдилар... Зокир-гов Бахтиёрни тутиб қолди.

— Қўй, ака, қўй! — деб йиғлади Бахтиёр, — бекорга ўлиб кетмай, бола-чақам бор?

— Емайди сени!

— Ейди, ака, ейди! Манови бекнинг кўзига қара... вой-воя-а-а, қўювор! (Кулги).

⁷ Ўша асар, 39—40-бетлар.

— Мен сенларга аччиғ айтдим-а, падарлаънат!

— Менда ўчинг борга ўхшайди, ака! Анови домланг нах одамхўрнинг ўзи, кийимингни ҳам ечдириб ўтирмайди... У ёғини сўрасанг, хонингга ҳам ишонмай қолдим! (Кулги) (146—147-бетлар).

Романда Зокир-говнинг тақлидчиллик ўйини хон ҳузуридаги Шайхулисламнинг маъракада мулзам этилиши кутилмаган бир ҳодиса бўлди. Қизиги шундаки, романдаги айни шу тасвирланган тақлид томошаси Қўқон хони Маъдаминхон — Муҳаммад Алихон (1858—1862) иштирокида рўй берганлиги тарих саҳифаларидан маълум. Гап шундаки, Мулла Қосимхожи сайлгоҳда қизиқчиларнинг тақлид ўйини шунчаки томоша бўлмасдан, бундан хоннинг маълум мақсадларни кузатганлиги аниқланади. Тахминимизча, Абдулла Қодирий қуйида келтириладиган тарихий маълумотдан хабардорга ўхшайди. Акс ҳолда романда бунчалик мазкур томошани айнан тасвирламаган бўлур эди.

«Бу кун хон ўрдаси ёнида катта сайил бўлди. Атроф ва жавонибдан йиғилган халқ бениҳоят эди. Хон ҳам ўз ёнидагилари билан ўз чодирда ўтирарди. Паҳлавонларнинг курашлари ва айиқ терисига бурканганларнинг ўйинларидан сўнг ўртага баланд сўри келтирилди. Шу сўри устига бир бетавфиқ тақлидчи чиқиб мударрис қиёфасида кийиниб, хитоб ва ёстиқлар орасига кўмилиб ўтирди. Аввал ҳолда бунинг қизиқчилик қилиб олимларни таҳқир қилиш бўлганини билмадим. Аммо унинг ахири тақлид бўлгани маълум бўлди. У бадранг тақлидчи олдига бир йиртиқ чопон, ифлос бола келиб ўқимоқчи бўлганини арз қилди ва мадрасада хужра беришни илтимос қилди. Масхарабоз тақлидчи, аввал ҳолда улуғлик билан у болага рўйхуш бермади. Боланинг таваллоси кўп бўлганидан сўнг ғазабга келди, унга қараб тожикча қилиб «гов, рав, мардикори кун, ту кужоу, мадраса кужо, хужра гирифтон кужо? Эрмаги макун! Рав, рав беадаб қишлоқи... («Хўкиз, йўқол, мардикорлик қил, сен қайдаю, мадраса қайда, хужра олиш қайда? Эзмалик қилма! Қани кет, кет, беадаб қишлоқи...») деб ниҳоят бадҳаракатлар қилиб халқни кулдирди. Қошки, шунчаки масхара билан қўйган бўлса, қишлоқи бола йиғлаб кетгандан сўнг, ташқаридан бир ёш муллабачча келиб, бир бой ўз ўғлини олиб келганини хабар қилди. Мударрис тақлидини қилувчи рў-

йиснѐҳ бесаранжом бўлиб бойни кутиб олди. Бой қиѐ-фасиға кирган бошқа бир тақлидчининг ѐнида, ясанган ўғлининг қўлида дастурхон ва сарполар бор эди. Тақлиди масхарабоз мударрис, бойга, олимларнинг маъноларига ярашмайдиган тавозеларни нисбат бериб тақлид қилар эди. Дастурхондан тановул қилиб, сарпони кийиб, болага дарс бериб кўп тавозелар билан болани узатди. Охир яна бир бебаҳона ҳаракат қилиб, ѐш ва ҳушрўй муллабачча билан кулишиб, ҳазил қилиб суҳбат қила бошлади. Бундай бадҳаракатлар билан авомуннос қошида мударрисларнинг ѐтиборини тушириб ўйинлар қилди. Бу беадабликка Муҳаммад Алихон ҳам қараб кулиб ва балки у бебок масхарабозга сарполар бериб, илтифот қилиб, баъзи аҳли динларнинг ранжиди бўлишларига сабаб бўлди»⁸.

Шу муносабат билан ўзбек халқ санъати тадқиқотчиларидан А. Л. Троицкая шундай деб ѐзади:

«Чунончи, Худоѐрхон шундай қилар эди. У ўз қизиқларига у ѐки бу шахсни масхара қилишини буюрарди. Ҳиссиётлар қисқа муддатда ўша шахснинг қиѐфаси ва қилиқларини ўрганиб тақлид яратарди. Тақлид масхара қилинажак шахснинг иштирокида хон ҳузурда кўрсатиларди. Томоша тугаган заҳотиѐқ масхара қилинган шахс кўпинча жазоланар ва ҳатто, жаллод қўлига топширилар эди»⁹.

Азувчи тарихий материаллардан маълум ижодий таҳрир ва ўзлаштириш билан фойдаланади; тарихий материалларни умумлашма бадий фактга айлантиради. Бу ўринда ҳақиқий шайхулислом Валихон тўранинг тақводор, димоғдор ваҳожатидан расмийчилик, жиддийлик кўзга ташланиб турган ясама шайхулисломни, унинг хатти-ҳаракатини, феълини кўриб содир бўлган ички руҳий кечинмасини, саросимали аҳволини бесаранжом, серташвиш кайфиятини ѐзувчи ниҳоятда усталик билан тасвирлайди.

Қизиқчи тақлид ролни шунчалик моҳирона бажарадики, томошабинни унинг барча қилаётган иши, вожоҳати, хатти-ҳаракати ҳақиқий шайхулисломдан асло

⁸ М. Солиҳов, Ўзбек театри тарихи учун материаллар, Тошкент, 1935, 35—36-бетлар.

⁹ А. Л. Троицкая, Из истории народного театра и цирка в Узбекистане, журнал «Советская этнография», № 3, 1948, стр. 83.

фарқ қилмаслиги ҳайратда қолдиради. Шайхулисломнинг қадди-қомати, унинг тожикча оҳангда сўзлаши, муллаваччаларга икки хил бир-бирига терс муомаласи — башарасини буриштириб жерикиб ташлашию ясама, зўраки илжайиши, хуштавозе кайфияти, хуллас, асо билан дастлабки одим ташлаши, ҳар бир нарсага такаббуруна назар солишидан тортиб, охириги сўзигача сарой аҳли этибор билан қулоқ солишди. Муҳими шундаки, ўйин тамом бўлгунча ҳақиқий шайхулислом оқарди, бўзарди, безовталанди, қора терга ботди, қизарди. Зокир-говнинг одамларни қойил қолдириб кўрсатган бу сўнгги ўйини ёзувчининг халқ санъатининг мураккаб, нозик турида ҳажвнинг ниқобли, ўткир воситасидан ўринли фойдаланганлигидан гувоҳлик беради.

«Бир вақт бордон эшигидан банорас тўн кийиб, ўнг қўлига асо ушлаган ва сўл қўлида адрас рўмолга тугиклик китоб кўтарган, шайхулислом Валихон тўра (Зокир-гов) кўринди. Шайхулислом каби қадди бир оз букик ва қадам қўйиши ҳам Валихон тўрадек икки тарафга мойил эди. Барчаининг кўзи ва диққати ҳар икки шайхулисломда бўлди. Хон ёнидаги ҳақиқий шайхулислом эса, қип-қизарган ва ҳар он «тавба!» деб қўяр эди.

«Шайхулислом» йўл устида тўхтади ва ерда тушиб ётган бир нарсани ҳассасининг учи билан текшириб кўрди ва уни туртиб четга чиқаргач, йўлида давом этди. Кўпчилик чидолмади, гур этиб кулиб юборди. Валихон тўранинг ўзи ҳам, «тавба» аралаш кулиб қўйди. Чунки Зокир-гов ҳеч бир нуқсонсиз муқаллид бўлмоқда эди. Зокир-гов жойнамоз ёнига етди, ҳассасини шайхулислом ҳассаси ёнига тиради, кафшини ечиб, жойнамозга чиқди. Ўлтириб китобни тиззасига қўйди ва пичир-пичир дуо ўқиб юзини сийпади.

«Шайхулислом» у ёқ-бу ёқни қарагандан кейин чақирди:

— Мирзо Ҳамдам-ҳой, мирзо Ҳамдам-ҳой!

Кулги кўтарилди, айниқса, шайхулислом ёнида ўтирган домлалар қаттиқ кулдилар.

— Мирзо Ҳамдам-ҳой...

Бордондан Баҳром чиқди, у ҳам муллоёна кийинган эди.

— Лаббай!

Баҳром «шайхулислом» қаршисига келиб, салом

берди. «Шайхулисом» жавоб бериб, жойнамоз ёнига ечган кафшига қаради.

— Ҳай, шу кафшимни бир пок қилинг, мирзо Ҳамдам. «Мирзо Ҳамдам» тавозеъ билан чўнтагидан рўмолни олиб кафшини арта бошлади ва шу вақтда бордон ичидан у ҳам муллоёна кийимда мулла Бахтиёр чиқиб келди; «шайхулисом» қаршисига келиб, салом берди.

— Ваалайкум ассалом! — деди «шайхулисом» ва келувчининг афти-бошига қараб олди.— Шинед, бачо, шинед!

Бахтиёр ўлтирди.

— Хўш, писар, чи гап?

— Тақсир... сизга... арзим бор эди... Подшоҳимиз янги мадраса бино қилганлар деб, илм талабида қишлоқдан тушган эдим, бир хужра берсангиз, деб сизга арзга...

— Хўш, хўп... шумо гужойи?

— Тақсир. Олтириб олдим.

— Аттанг, аттанг, — деди «шайхулисом», — барвақтроқ келмабсиз-да, бачо, акун ҳамма хужраларга жой йўқ, муллабачалар жойлашиб қолган.

— Муллаларнинг орасига қўйсангиз ҳам бўлавуради менга, — деди тавозеланиб Бахтиёр. — Биз қишлоқ одами, сиқилишсак ҳам ётаврамиз, тақсир!

— Хўб, хўб... Акун хужраларимиз муллабачалар минан беҳад тўлган, ҳолонки бир тариқ ҳам сиғмайди, биз дуруғ сўзламаймиз, бошидан...

Ҳақиқий шайхулисом масалага тушуниб, тер чиқара бошлади. Бахтиёр (муллабачча) маъюс фотиҳа ўқиб «шайхулисом» ҳузуридан кетди. «Мирзо Ҳамдам» кафшни туфлаб, тозалаб бўлгандан кейин «шайхулисом»нинг қаршисига ўтирди. Нариги ёқдан «шайхулисом» рўбарўсига Давлат келиб тўхтади.

— Ассалому алайкум, тўра почча! — деди Давлат ва кафшини ечиб келиб, «шайхулисом» билан қўл олишиб кўришди. — Хўп, саломат, офият ҳастедми, тақсир?

— Худоро шукур, худоро шукур!

Давлат рухсат, фалон кутмай «шайхулисом»нинг ёнига ўтириб олди.

— Бажаноб арз...

— Бисёр хўб, арз кунед.

— Очиқ гап: бизга бир ҳужра берсалар, деб келдик-да, тўра почча!

— Хўб... Гужойи?

— Тақсир, Чустий, бажаноби шумо ҳамшаҳрий.

— Яъни писари кий?

— Писари уста Муҳаммад собунгар.

— Хўб, хўб, — деди «шайхулислом» ва «Мирзо Ҳамдам»га буюрди, — ба ҳамин одам як ҳужра додангир!

Давлат дуо қилиб «шайхулислом» ҳузуридан кетди. Қўқонлик муллабачча ролида Бахтиёр келди. Унга яна: «Биз дуруғ сўзламаймиз, мадрасамизга бир тариқ ҳам сиғмайди», деган жавоб бериб жўнатилди. Давлат яна чувтлик бир толиби илм бўлиб келган эди, «Мирзо Ҳамдам» орқалиқ «додангир!» буйруғи берилди. Қаттиқ кулги кўтарилди. Хон ва домла Ниёзининг кўзларига ёшлар чиқди. Аммо шайхулислом дам-бадам манглай терини артиб олар эди. Зокир-гов хонга қуллуқ қилиб, шогирдлари ёнига борди. Хон ва раият янги қизиқликни кутиб қолдилар» (148—149-бетлар).

Бу келтирилган қизиқчилик санъати намуналарида халқ оммаси дунёқараши ифодаланган. Иккинчи томондан, қизиқчиликдаги танқидий йўналиш романдаги салбий типлар фаолияти билан бевосита алоқадордир, ўз навбатида, бу икки ҳолат ёзувчининг «Қалбак маҳзумнинг хотира дафтарида», «Тошпўлат тажанг нима дейди», «Тинч иш», «Замонанинг зайли» ва бошқа кўпгина ўткир ҳажвий асарлари қаҳрамонлари билан узвий боғлиқдир.

«Меҳробдан чаён»да тасвирланган сатирик типларнинг яратилишида халқ оғзаки ижоди материалларидан ёзувчи қай даража озиқланганлигини Раёнонинг отаси Солиҳ маҳдум образи мисолида кўриб ўтамиз.

Солиҳ маҳдум тузоқ қўяди

Товуқнинг тушига дон киради деганларидек, Солиҳ маҳдумнинг фикри-зикри тамагирлик, кимдан бўлмасин бирон нима ундириш. Тамагир шахснинг феъл-атвори ҳақида ҳинд ёзувчиси Рабиндранат Тагор:

«Уларнинг ҳар бир сўзи тагида тамагирлик, маълум бир ғараз яширинган бўлади. Бунда меҳр-муҳаббат, очиқ табассум ёки шод-хуррамликдан асар ҳам йўқ! Шундай одамларнинг орасига кириб қолсангиз, гўдай-

ган гавдалар, рангсиз юзлар, ичига тортиб кетган чаклар, туртиб чиққан ияклар, табассум нималигини эсидан чиқариб юборган дудоқлар, киртайган кўзларни кўрасиз, холос. Уларнинг ҳар бири бошқаларнинг оғзидан чиққан сўзларни ичида ўзича битта-биттадан мағзини чақиб кўриш, ё бўлмаса соч-соқоли оппоқ суҳбатдошининг дилини сиёҳ қилиш учун ўзи ўйлаб илгаритдан тайёрлаб қўйган оғир ботувчи гапларни айтиш пайдан бўлади»¹⁰, — деган эди.

Неча йиллар мобайнида Бухоро мадрасаларининг тупроғини ялаб охири мактабдорлик даражасига минган бу одамнинг тамагирлиги унинг ўлгудек зикна, кўзи очлиги, ўта хасислиги билан боғлиқ бўлиб, бу домланинг даставвал рўзғор тутишидан маълум бўлади.

Ёзувчи Солиҳ махдумга характеристика беришдан бошлаб «ойни этак билан ёпиб бўлмайди» мақоли баҳонаси билан «молтопар» чопони-ю, қишин-ёзин бошидан тушмайдиган «неча жойидан попилтириги осилган оқоуз салласи», «кўйлак-иштонининг аксар етти-саккиз жойдан ямоғи» бўлиши ва бошқалар хасислигининг бир белгисидир. Ёзувчи диндор домланинг важоҳатига, табиатига муносиб унинг ўз тилини яратади. Масалан, «шалғам Биби Фотимаи Зухранинг дуолари баракоти; қовоқ бўлса ҳазрати Юнуснинг мўъжизалари» деб, қоплаб шалғам, йигирма-ўттизлаб қовоқ харид қилишни қўймас».

Раънонинг ўз отаси ҳақида ёзган ҳажвида Махдумнинг мумсиклик характерини очиб кўрсатадиган муҳим томонлар (унинг ўз сўзи ҳам) бор. Унинг учун меҳр-муҳаббат, шод-хуррамлик, орзу-ҳавас бир пул. Ўзбек қизларига хос зеби-зийнатли буюмлар тақишни у ортиқча деб билади, чунки сарф-харажатга асло тоқати йўқ. Қизнинг ўз отасига бағишланган танқидий шеърида тақводор руҳонийнинг сифатлари ҳазил йўли билан очилади. Ёғ тушса ялагудек халқ иборасидан яхши фойдаланади шоира. Қизнинг «тақсирим» дейишида ҳам ўзига хос бир киноя ифодаланади.

Ёғлар тўкилса ерга, ётиб ялар тақсирим
Бўлса бозорда пастлик, сотиб олар тақсирим,
«Менинг учун бир зирак, Раънобонуга жевак»

¹⁰ Рабиндранат Тагор, Асарлар, саккиз томлик, 8-том, Тошкент, Бадий адабиёт нашриёти, 1965, 254-бет.

Деса ойним — «Не керак?!» юмма талар тақсирим.
«Қулоқ тешиш фазл эмас, пулни топиш ҳазл эмас,
Жевак тақиш фарз эмас!» — ғовға солар тақсирим
(20-бет).

Кейинги икки сатрда ҳар қандай ишга фатво топа оладиган домланинг сўзи устидан қиз мазах билан куларкан, унинг фазл, фарз, ҳазил сўзларига юклатилган маъно орқали домланинг маънавий қиёфаси, ўй-рўзгорни, айниқса моддий томондан обдан сиқиб қўйганлиги, тош бағир оталиги ва ниҳоят унинг яна мумсиклик хусусиятларига урғу берилади.

Махдум Анварнинг мирзобоши лавозимига кўтарилиши муносабати борасида унга («Махдумнинг таҳди-ди» боби) жон-жаҳди билан бу ишни тезда сўзсиз қабул қилишга ундашидан кузатган бирдан-бир мақсади катта даромад, бойлик орттиришдан бошқа нарса эмас эди.

Анварнинг «ўзим бир неча йилдан бери ўрдада ишлаб, шунингдек, фисқу фасодларни ҳар кун учратмакдман ва унинг учун булганч бир муҳитда бундай талашлик вазифани ўз устимга олишдан ҳазар қиламан» (361-бет), — дея қатъиятлик билан айтган сўзлари домлага асло кор қилмайди. Аксинча, унга жон киради.

Унинг сўзларида «чумчуқдан қўрқиб тариқ элмаган», «осилсанг ҳам баланд дорга осил» каби мажозий маталлар, шунингдек, «бахтинг бунчалик кулган экан, жабонат билан давлат қушини қўлдан учирш куфрони неъмат, болам», дея берган ўғит-насиҳатлари — ҳаммаси Анварнинг баланд мартабани эгаллашига бевосита қаратилганки, бундан Махдум, шубҳасиз, катта манфаатдор бўлишни ўйлади. Унинг бунчалик жонкуярлик қилишининг тагида мансабпарастликни жон-жонидан севиши ётадики, бу хонлик тузуми тугдирган ва шу ҳоким синф амалдорларига хос бўлган чуқур илдиз отган иллат эди.

Домланинг қон-қонига сингиб кетган тамагирлик эса унинг ўз шахсий ғаразлари билан чатишиб кетганлиги энди очиқроқ кўринади. Чунки Махдумнинг инсон бахти ҳақидаги фикри ҳам тўғридан-тўғри мансаб, шахсий манфаат тушунчаси билан ўзаро боғлиқликдадир. Романда Анвар билан сарой амалдорлари ўртасига кескин тафовут махдум қарашлари, уни янги мансабни рад этмай, тезроқ эгаллаш учун зўрлаб, қўярда-қўймай таъкид-

лаши муносабати билан (Анвар сўзида) бериладик, ўқувчи фуқаропарвар, камбағалга қайишадиган Анвар киму, лаганбардор, бераҳм, иккиюзламачи сарой амалдорлари, ғаразгўй уламолар (шу жумладан махдум ҳам) ким эканини тезда билиб олади.

Анвар Раънога сармунший вазифасидан бош тортишининг сабабларини айтarkan, хонлик даври ҳаётининг мураккаблиги, зиддиятлари ҳар замон фалокат келтиришини ўқтиради:

«Ўрдадаги тўкилиб турган гуноҳсиз қонлар, доим те-варакдан эшитилиб турган оҳу зорлар менинг юрагим-ни эзади, тинчлигимни олади. Яна мен мирзобоши бўлиб қолсам, бу оҳу зорларнинг, тўкилган маъсум қонларнинг ичида билфеъл сузарман. Бу вақт менинг азобим бево-сита бўлур. Балки бунда иштирок ҳам қилурман. Чунки хонга яхши кўриниш учун кўп ишларни унинг истагича кўрсатиш, зулм пичоғини қайраб бериш, шу мансабда узоқ яшамоқнинг асосий шартидир. Лекин мен бундай виждонсизлик учун яратилмаган ўхшайман. Махдум э-со, олқиш ва дуо замирига яширинган зулмдан фарёд, ҳақсизликдан дод маъноларига малҳам бўлиш, албатта, менинг қўлимдан келмас. Чунки «соябони марҳамат» виждон кенгашига қулоқ солгучи «аҳмоқ»лардан эмас-дир. Дадангнинг феъли сенга маълум, Раъно. Дунёда «манфаат»дан бошқани кўрмайди. Менинг нима учун бу мансабдан қочганлигимнинг фарқига бормай, «куфрони неъмат қиласан, ойига фалон тилло» деб дафъатаи кўр-қоқлигимга ҳукм чиқаради. Дадангга бояги узрларни кўрсатиш тошнинг қулоғига азон айтиш билан бир бўл-гани учун сукут қилдим. Агар орада бир киши бўлмаса эди, гарчи, бош мирзолик ҳозир бир хаёл эса-да, ўшан-да ҳам шу опозага бўйсунмас эдим, Раъно!» (55—56-бетлар).

Ана энди махдумнинг асл муддаоси ўринлади: ёзув-чи унинг амалий фаолияти хусусида баён этар экан «Ан-варни соғиш» иборасини жуда қулай келтиради. Анвар-ни соғиб ичиш нияти домлада устдан қараганда энди-гина пайдо бўлгандек кўринса-да, аслида бу ният Анвар-ни фарзандликка қабул қилгандаёқ ниш урганди; сар-мунший бўлганида эса, бу ниятни юз фоиз амалга оши-риш имконияти туғилганидан у ўзида йўқ хурсанд. Ан-варга ариза битдириш учун келганлардан пул ундириш пайига тушган махдум янги ҳунар чиқаради. Йўлакда

гўё бировни кутгандек ўтириб олиб, иши битганлардан борини ташлаб кетинг, ўзим уни кўндираман деб юлғичлик қилади. Унинг «мушук офтобга текинга чиқмайди» мақолини келувчиларга эслатиб туришиданоқ зимдан тамагирликни авж олдирганлиги равшан билинади.

Ҳозир эшоннинг Анварга ариза ёздириб, бир пул бермагани, бунинг устига гап сотиши махдумга роса алам қилди. Эшондан бир нима ундиришнинг сира иложи йўқ, чунки «гадойдан хайр кутиш маъносиз эди». Бунинг устига Раънонинг Анвар билан бўлажак тўйи хусусида эшоннинг гап сотишидан махдумнинг фигони фалакка чиқди. Сабаби, ҳар кимдан ўзи бир нима юлиб олиб қолмоқчи бўлган махдумдай очкўз, балохўр. одамдан эшон тўй баҳонасида бирон нарса ундирмоқчи.

Романнинг «Хайрулумури авсатуҳ» бобида ёзувчи «мулланинг айтганини қил, қилганини қилма», «олишда бисмилло, беришда астоғуфирулло» қабилидаги турмушда синалган, тасдиқланган кесатиш маъноси ишораси таърифчи мақолларга ишора қилиб, махдумнинг ёмонлаган одатларини таърифчилаши — жаҳли чиқиб ортиқ безовталанишини унинг ўз тилида ишонарли тасвирлайди: «Тама ўзи кўп мазмун сифат... чунончи, аззаман канаъ, залламан тама (қаноатли—азиз, тамали киши хордир). Отаси марҳум ҳам беҳад тамакор эди. Ит еганини қусиб, ўғли ундан ҳам расвороқ чиқибдир. Бу авлоднинг каттаданкичиги бир-биридан баттар... Муфти ариза ёздирибсан, кета бер. Яна бу ўртада зиёфат бачи маъни?!» (133-бет). «Уйидан тоқ келиб, жуфт кетмакчида бу таммоъ». «Махдум айвонга чиқиб ўтирар чоғида яна бир «астағфирулло» деб қўйди. Чунки кайфи жуда ҳам бузилган эди» (134-бет).

Рабиндранат Тагорнинг тамагирларга берган характеристикасининг тўғрилиги махдумнинг шу пайтдаги кайфияти мисолида яна бир марта исботланади.

Шу тариқа Абдулла Қодирий махдум образини типиклаштира боради. Махдумнинг ҳаромхўрлик, худбинлик, кўролмаслик хусусиятларини, маънавий тубанлигини ёзувчи кўпинча унинг ички руҳий ҳолати, ҳиссиётлари, ўй-фикрлари орқали янада қабартиради. Вазиятга қараб унинг вазоҳати, муомаласи, муносабати тез-тез ўзгариб туради. Баъзан у ўзини оддий кишилар қаршисида такаббуруна тутса, баъзан одамига қараб ширинсухан, сертакаллуф, хотинига нисбатан эса, ғоят

дағал, жоҳил, Анварга гўё меҳри дарё ота, сийлаб-сий-паловчи мураббӣй ва ҳоказо. Лекин ҳамма вақт унинг хаёли бирни икки қилиш, дунё орттириш: фақат бериш эмас, олиш, ножўя харажатларга йўл қўймаслик, мактаб болаларидан тортиб Ғози эшонгача ҳамёнга тегирмоннинг новидан сув келгандек, оқиб турса, бас. Бордию, бошқаларга бирон нимаси ўтиб қолса-чи? Фалокат рўй берди деяверинг, эл молини кўз шамгалат қилиб ўндан тўққизини уриб қоладиган Махдум сингари харомхўр кишиларни мазах қилиб эл оғзида қуйидаги гаплар тўқилган бўлса ажаб эмас:

Олишда андоқ олдиким хамирдан қил суғургандек,
Беришда юнг еган итдек тиришгонингга салламно.

Солиқ махдум бировга игнаси ўтса, жуводдиз қилиб ундирадиган, ола қаргадек бир чўқиб ўн қарайдиган, шайтонга дарс берадиган ҳийлакор тулки. Неча йил яшаб ҳеч кимга нафи тегмаган бу одам ўзгалардан ўзининг оҳангга солиб, неча ҳисорапар ишлатиб бирон парса ундириш пайида тун-кун ўйлайдиган киши образи. Фавқулудда муваффақият билан ишланган А. Қодирийнинг бу салбий типи ўзининг шум нияти, бутун ички хусусиятлари, руҳий кечинмаси билан жаҳон адабиётининг классиги Оноре де Бальзакнинг машҳур Гопсек образи билан тенглашади. Айни чоқда, у Садриддин Айнийнинг «Судхўрнинг ўлими» повестидаги тузоқ узар, ҳаромхўр Қори ишкамба характериға жуда яқин туради. С. Айний ўзининг машҳур образини яратишда маълум даражада Абдулла Қодирийнинг бу ва «Қалвак махдумнинг хотира дафтарлари»дан таъсирланган бўлиши ажаб эмас.

Ўзида юлғич, тамагир, зиқна, худбинлик каби сифатларни мужассамлаган Солиқ махдумнинг нақадар диёнатсизлигини ёзувчи яна бир карра ғоят қалтис синовдан ўтказди. Раънонинг Худоёрхонга сўратилиши махдумни гангитиб қўйди. «Бир тарафдан Анвар, иккинчи тарафдан хон...». Унинг фикри чуваланиб, бир жойга тингунча, анча ҳалак бўлади, иккиланади. Бироқ, хонга қайната бўлиш нашъу-намоси, тамагирлик туфайли болалаган ширин орзулар оғушида фарқ бўлди, хондан умидвор Махдум келгуси аркони давлатдаги мавқеини ўйлаб, ўзини йўқотаёзди. Бу ниятни сир тутиш зарурлигини уқди. Бироқ у бу «янгиликни» зин-

ҳор-базинҳор ҳаммадан пинҳона тутади; ўзини билса ҳам билмасга олиб, беҳабардай юради, сипориш важоҳатини бузмайди. Гўё у ҳеч нарсани эшитмади. «Хонга қайинота бўлиш эл қошида кичкина гап эмас эди. Қалин тўғрисида подшоҳ куёвдан кўп маблағ кутилса бўлар эди. Агар худо ўғил набира ато қилса, Худоёрнинг тахт вориси бўлиш эҳтимоли ҳам бор эди... Тўйнинг кейинга силтаниши эса, тақдир иши; Раънонинг тақдири хонга битилган, шунга биноан Анвар тўйни кейинга силташга, битган ишни йиғиштиришга мажбур эди... Яна шу ҳолда ва шунча янги умидлар ичда кўнгилдан ҳалиги ғашликни, ўзига номаълум бир илинжни ювиб юбора олмади. Яна бир оз шу тўғрида қийналиб ўтиргач, Анварга қарши ўзида бир аччиқ сезде: «Тўйни кўкламга қўй, деб унга ким айтди? Бу ўзи ҳар ишда ҳам суст қадам. Энди, хон сўратгандан кейин рад қилишга кимнинг ҳадди бор!» деб кўнглидан кечирди. Шундан сўнг, у озгира тинчиди, яна бирмунча фикрланиб ўтиргандан кейин, кўз ўнгига — қалин учун бериладиган бир саноч олтин, эл қошидаги обрў, энг охирида Худоёрнинг тахт вориси бўлган хонзода келиб кечдилар. Ўзини эл сўраб турган ёш хон ёнида кўриб илжайди» (184-бет).

Халқ оғзаки ижоди асарларида бундай дин арбоблари қаттиқ танқид этилгани бежиз эмас¹¹. Султонаlining («Бирикиш» боби) Анварни қатъий огоҳлантириб,—«мулла Абдурахмондан нон емаймиз, сизга қарши қаттиқ қутурган икки итимиз бор эди, учинчисини ўзингиз келтирдингиз»,—деб айтган сўзлари ит қутурса, эгасин қопар, мақолидаги фикрни эслатгандай бўлади. Ахир Анвар махдумнинг илтимосига кўра мулла Абдурахмонни саройга мирзолик вазифасига ишга олган эди-да! Автор бу уч итнинг аблаҳлик қилиб Анварга қасддан ёмонлик қилиши — қопағон бўлиб кетиши деб билади; хон ва унинг амалдорларининг жоҳиллигини қуйидаги латифада истеҳзоли аччиқ кулги ёрдамида ўткир ҳажв этади.

¹¹ Насриддин афанди латифаларидан бирида: Бир камбағал эшагини йўқотиб кўйиб Афандига ҳасрат қилади, Афанди унга маслаҳат бериб: «Эшагинг қози, муфти, домла-нимомлардан бирининг қўлига тушмаган бўлса, албатта, қайтиб келади; агар улардан бирортасининг қўлига тушган бўлса, ўлгунча ишлатади, ўлгандан кейин эшак гўштининг қалоллигига шариаат китобларидан бирорта ривоят топиб гўштини ейди»,—деган экан.

Шаҳар ҳокими афандига буюради:

— Менга бир баҳайбат, қопагон ит топиб келинг!

Афанди эса, буйруқнинг аксини қилиб, ювош бир ит топиб келди. Ҳоким Афандини койиди:

— Мен сизга «қопагон ит топиб келинг!» десам, худо урган итни олиб келибсиз.

Афанди бепарво жавоб берди:

— Тақсир, хотиржам бўлинг, бу жанобларининг олдида беш-олти кун турса, ўзларидан таълим олиб, занжирини ҳам узадиган бўлиб кетади.

Ҳа, хон амалдорлари чиндан ҳам итлик қилдилар. Бу фитначилар характерининг доғули, иккиюзламалик хусусиятига автор алоҳида урғу беради. Ёзувчи шу муносабат билан атайин Шайх Саъдийнинг дўст бўлатуриб душман ишини қиладиган мунофиқ кишилар хусусидаги қуйидаги байтини сарлавҳа ўрнида келтиради.

Бишўй, эй хирадманд, аз он дўст даст,
Ки бо душманонат бувад ҳамнашаст.

Мазмун: Эй ҳушёр киши! Душманларинг билан бирга ўлтиришган — ҳамсуҳбат бўлган дўстингдан қўл ювгил. Бу доно фикр халқимизнинг зийраклик билан огоҳлантириб айтилган, «ишопмагил дўстингга, сомон тикар пўстингга» мақоли билан мазмунан ҳамоҳанг эканини кўрсатади. Мулла Абдурахмон ана шундай «дўст»лардан. У бош мирзолик лавозимини қўлдан бой бериб қўйган аламзада муфтилар билан тил бириктириб, Анварнинг тагига сув қуйиш пайига тушган. Романда калтакесак ютган чаёнлардан ҳеч маҳал яхшилик чиқмаслиги оддий ҳақиқат сифатида тасвирланади. Мана икки мирзо учинчи мирзони қаватига қўшиб олиш учун пичинг маъносини ташувчи қайси бир шоирнинг сатрларини («аксар латифа мазмунини бир тарафга буриб») рўкач қилиб сўзлашаётир. Гуё улардан бири эгаллаши керак бўлган сармуншийликни уларча таги паст Анвар илиб кетди. Ичқоралик, кўролмасликдан бу икки мирзо Анвар устидан кулишади, аламдан чиққандай бўлади. «Баъзан Шаҳодат муфти, ишдан чарчаган каби оҳ тортиб, ўзича «ямутул асаду филғабоби жуъан валаҳмуттайри ютраҳу лил-килоб» (арслон чангалзорда очлиқдан жон берадир, аммо итни қуш гўшти билан боқадилар) деса, иккинчи ёқдан Қалоншоҳ мирзо шу мақолнинг давомини сўзлаб «вахин-

зиру яному филфирош ва улулуқули, яномуалаттурбий» (тўнғиз ҳузур қилиб тўшакда ухлайдир, оқиллар тупроқда ётадилар) дер эди. Мулла Абдурахмон уларнинг кинояси мазмунига тушунибми ёки тушунмасданми—ҳар ҳолда бир илжайиб қўяр эди» (152-бет).

Бизнингча, Абдулла Қодирий бу чуқур маъноли афористик ибораларни атайин салбий типлар тилидан келтиради. Аслида бу ҳикматларнинг мазмуни уларнинг ўзларини аччиқ тил билан фош этишга қаратилган; улар мансуб бўлган ҳоким табақа ва хонлик даврида фозил, оқил одамларнинг хор-зорликда ғам-ғусса билан яшашига, бефаросат, хайвонсифат жоҳиллар, золимлар иззат-икромда, айш-ишратда давр-даврон сурганлиги таъкидланадики, бу билан ёзувчи ўзининг ҳар иккала мақсадига ҳам эришади. Диққатга сазовор томони шундаки, автор салбий типларни гўл, содда, калтафаҳм, аҳмоқ қилиб эмас, балки ўта қув, зимдан иш битирадиган муғамбир, бўридек йиртқич, тулкидек алдамчи, устомон қилиб тасвирлайди. Шуни айтиш керакки, ёзувчи бу фирибгарларнинг қилмишларини кўрсатишга асарда кўп боб ажратмаган. Айрим кичик деталлар ёрдамида улар характерининг энг муҳим белгиларини усталик билан очади.

«Бирикиш» бобида Анвар Абдушуккур понсадга ариза ёзиб беришни Шаҳодат муфтига топширади. Бу ишни у Анварнинг қўлидан келмаган деб фаҳмлайди. «Шаҳодат муфти оҳистагина ёнидаги Абдурахмонни туртиб қўйди ва Анварга ишорат қилиб, «ана аҳвол», дегандек илжайди. Яъни унинг ҳаракати «кўрдингми мирзабошини, қўлидан махзар ёзиш ҳам келмайди» мазмунида эди. Мулла Абдурахмон оҳиста бош кўтариб кулимсиди. Бу гапдан хабардор бўлиб ўтирган Қалоншоҳ мирзо, қўлини оғзига карнай қилиб, Анварга тўғрилади, яъни, жиртак чалди. Шу ҳолда эшикдан Султонали мирзо кириб Қалоншоҳга тикилиб қолди...

— Маймунлик муборак!» (151-бет).

Қўриниб турибдики, бу сарой мирзолари барча қўл келган имкониятлар воситаси билан Анварни камситадилар, мазах, масхара қиладилар, қуладилар, қилдан қийиқ, тирноқ остидан кир қидирадилар, кина-адоватни авжга миндириб, уни фақат ёмонлаб, пашшадан фил ясайдилар; ўргимчак тўри билан ўраб олиб Анварни йўқ қилиб ташлаш режасини тун-кун ўйлайдилар. Шу

тариқа улар Анварга қарши ошкора эмас, балки орқаворатдан киши билмас, галамислик қилиб яширин иш тутдилар.

Реалистик адабиётда образларнинг руҳий оламинин, маънавиятини очиш орқали ички ва ташқи интригаларнинг туб моҳиятини кўрсатиш, характерлараро курашни тасвирлаш, турли қутб образларни бирлаштирадиган умумий нуқталарни аниқлаш, айни чоқда уларнинг индивидуал белгиларини топа билиш ва умумлашма образ даражасига кўтариш ёзувчидан катта маҳорат талаб этади. Бу масалада Абдулла Қодирий улкан ижодий ютуқларни қўлга киритганини кўриб ўтдик.

Реакцион мусулмон дини арбоблари — шайхлар, эшонлар, домла-имомлар асримизнинг йигирманчи йилларида Ўзбекистонда ҳам контрреволюционерлар билан тил бириктириб, Совет давлатига хоинлик қилдилар, коммунист, комсомолларга, актив жамоатчи аёлларимизга қасддан суиқасд уюштирдилар; ер-сув ислохоти, хотин-қизлар озодлиги, қишлоқларни коллективлаштиришдек инқилобий аҳамиятга молик катта ижтимоий-сиёсий тадбирларни Компартия раҳбарлигида амалга оширилган бир даврда улар дин ниқобига ўралиб олиб, ашаддий синфий душман бўлиб иш кўрдилар: қотиллик, қўпоровчилик, бузғунчи-иғвогарлик билан зимдан Улуғ Октябрь социалистик инқилоби зафарларини йўққа чиқариш учун ҳар қандай ёвузликдан қайтмадилар.

А. Қодирий асарларида тасвирланган Солиҳ маҳдум, Мулла Абдурахмон, Шаҳодат муфти, Калоншоҳ мирзо ва бошқалар йигирманчи йилларда совет тузуми ёвларига пичоқ қайраб берган ёт унсурларнинг маслакдош, издош бобокалонидир.

Тўғрироғи, ёзувчи шама қилиб, оқ ит, қора ит, бари бир ит демоқчи; романларида салбий типларни тасвирлаганда у йигирманчи йилларда бўлган синфий душманларни сўзсиз кўзда тутган ва уларга шафқатсиз кураш олиб бориш зарурлигини уқтириб, оммани ҳамиша ҳушёр бўлишга чақиргандай бўлади.

А. Қодирий феодал ижтимоий муҳитда ҳукмрон қонуни-қоидаларни, тубан, пинсон эркини бўғувчи, хўрловчи ахлоқсизлик ва бузғунликни кескин рад этиш, эски жамият маразларини аёвсиз танқид этиш билан меҳнаткаш оммага хос поклик, эзгулик, самимиятлик ва

одамийликни улуғлайди, ҳаётда яхшилик, муҳаббат, дўстлик, садоқат ва шафқат ҳеч қачон ўлмаслигини таъкидлайди, бу фазилят ва ғоялар башариятнинг энг яхши орзулари бўлиб келганини тараннум этади. Бу билан саодатли давронимизнинг ҳар бир олтин дақиқаси, ҳурлик ва тенглик, дўстлик ва адолатнинг жонажон Советлар юртида, қутлуғ Ленин замонасида тўла гантана қилгани нақадар буюк ўзгариш бўлганини айтмоқчи бўлади.

Тўғри, бу фикрларни ёзувчи романда ўзининг эстетик идеалларини ташийдиган ижобий образлар тилидан, уларнинг фаолияти, муносабати, интилиши орқали ифодалайди. Назаримда, шу пайтгача Абдулла Қодирий ижодий фаолиятини, услубини ўрганган адабиётшунослар ёзувчининг эстетик идеалларини ифодалаш усуллариغا унчалик етарли эътибор бермаганга ўхшайдилар. Айтиш мумкинки, санъаткорнинг ғоявий-эстетик принципларини тўғри белгилаб олиш унинг ижодий методини аниқлашга, шубҳасиз, ёрдам беради. «Ўтган кунлар» романида «Ҳожи этак силккан» деган жуда ихчам бир боб бор. Бунда ёзувчи Юсуфбек ҳожи тили орқали Қўқон хонлигидаги инқирозга юз тутган феодал тузумининг ижтимоий муносабатларига даврнинг тараққийпарвар кишиси қарашларини реалистик кўзгуда акс эттиради. Ҳожи ўзича юртни бошқариш ишларига ақл, инсоф ва адолат нуқтаи назаридан қараб, золимлик ва ҳақсизликнинг уруғини қуритмоқчи; қирғин урушларга йўл қўймай ҳаётда эзгулик, яхшилик, осойишталикни кўргиси келади, унинг иттифоқ ва иноқлик бўлишини истагани одамлар ўртасида баҳамжиҳатлик, айниқса эл-юрт бошида ҳамиятли, диёнатли, одил кишилардан туриши лозимлиги ҳақидаги куйиниб, эл-юрт ғамини еб айтган фикр-мулоҳазаларида ёзувчининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозongan бир мамлакатда дунёда яккаю ягона одилона ленинча миллий сиёсатнинг мислсиз самараларини кўзда тутганлигига мутлақо аминмиз. Мана Ҳожи дўстларига нималар дейди:

«Бизнинг каттадан-кичигимизнинг топган-тутганимиз фақат бош олиш... Биз ўйлаймизки, гўё бош олиш билан олам тинчланир ва биз ўз хоҳлаганимизни қила оламиз. Тузук, жаллод айтганидек, ёмоннинг бошини олмоққа мен ҳам қаршн эмасман ва лекин бунинг но-

зик шартлари бор: аввало манфаати шахсиятидан кечиб, фақат эл бахти учун бош тикканлар жамоаси керак ва бу жамоанинг ўз маслаги йўлида кузатган маълум бир нишонаси бўлмоғи зарур. Ана шундан кейин ҳалиги нишонага қараб интилишда оёқ остига илашган чўп-хасларни супура бориш лозим. Мана шундагина тўкилган қонлар ўринли ва машруъ, берилган бошлар чин қурбон ҳисобланадилар. Йўқса, сизнинг бош олишингиз ҳам ановларнинг қирғинидан фарқли бўлмас!»¹². Бу сўзлар эл қайғусида соқолини оқартирган, бўлмаганларга бўлишмоқчи бўлиб умрининг ниҳоясига етган кишининг орзу-умидлари, балки ширин хаёлларидирки, унинг заминида ҳаёт ҳақиқати ётади.

Чиндан ҳам, Юсуфбек ҳожи образида Абдулла Қодирий асарининг эстетик идеали берилган деса бўлади. Ўлкада адолат ўрнатиш қайғусида яшаган ҳожи бошбошдоқ амалдорларнинг дастидан жони ҳалқумига келди. Бегуноҳ қипчоқларнинг Тошкентда қирғин қилиниши Отабекни бағоят қарабандириди. Лекин буни сабабчиларидан бири деб у ҳамон отасини гумон қилар ва шундай даҳшатли ишга йўл қўйиб берганлиги учун ўғил ҳатто отасини гуноҳкор ҳисобларди. Бироқ, асл ҳақиқатни ўғлига тушунтирган Юсуфбек ҳожи бутун аламларини изтиробли бир вазиятда айтаркан, феодал ҳукмдорлари зулмини, уларнинг жаҳолат устида қилган қаттоллик ишларини бутун вужуди билан қаттиқ қоралайди. Мамлакатни, бечора қашшоқ халқни хонавайрон қилган зolim юрт бошлиқларига лаънатлар ўқийди. Чунки, Юсуфбек ҳожининг фаолиятида, хатти-ҳаракатида, ўйларида, ўғит-насиҳатларида элнинг орзу-истаклари ифодаланган дейиш мумкин. У куйиниб, ички бир дард билан Отабекка жаҳолат, мансабгарастлик, ўзбошимчалик, элга хонлиқ ҳисси туғдирган иллатларни бирма-бир сўзларкан, ижтимоий адолатсизлиқнинг сабабларини тўғри кўрсатишга интилади.

«Мақсадлари жуда очиқ!— деди ҳожи.— Биттаси мингбоши бўлмоқчи, иккинчиси Нормухаммаднинг ўрнига минмакчи учинчиси яна бир шаҳарни ўзига қарам қилмоқчи. Хон эрса Мусулмонқулга бўлган адоватини қипчоқни қириб аламдан чиқмоқчи! Менга қолса

¹² «Ўтган кунлар», 326-бет.

ўртада шундап бошқа ҳеч гап йўқ, ўғлим,— деди ва бир оз тўхтаб олиб давом этди.— Мен кўп умримпи шу юртнинг тинчлиги ва фуқаронинг осойиши учун сарф қилиб, ўзимга азобдан бошқа ҳеч бир қапоат ҳосил қилмадим. Иттифоқни нима эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахсияти йўлида, бир-бирини еб, ичган мансабпараст, дунёпараст ва шуҳратпараст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди... Гуноҳсиз бечораларни бўғизлаб, болаларини етим, хоналарини вайрон қилувчи золимлар — қуртлар ва қушлар, ердан ўсиб чиққан гиёҳлар қарғишига нишонадир, ўғлим!» (301-бет).

Абдулла Қодирий ўзи айтганидек, замонамиз Тоҳир ва Зухралари, Фарҳод ва Ширинлари образларини яратишда халқ дostonларининг идеал ижобий қаҳрамонлари руҳидан озиқланганлиги шубҳасиз. Бироқ, у эпосдаги халқ фантазиясидан, идеал оптимистик йўналишдан ёхуд шарқ шеъриятининг, жумладан, ўзбек классик адабиётининг романтик кайфиятидан нусха кўчирмади, балки уларни типик реал ҳаёт воқеалари билан мантиқан узвий боғлаб, ёрқин келажак уфқларини ёрита олди. Бунда у совет ёзувчисига хос социалистик тузум позициясида маҳкам турган ҳолда, шу дунёқараш асосида қаҳрамонларининг романтик характерини белгилайди. Шу нарса аниққи, А. Қодирий улуглаған ижобий қаҳрамонлар замонасининг илғор кишилариدير. Уларнинг ниятлари пок; яхшилик, эзгулик, одабийлик, тенглик, ҳалоллик ва адолат ҳимоячиси бўлиб майдонга чиқадилар. Гарчи улар синфий кураш тушунчасидан анча йироқ бўлсалар-да (синфий чекланганлик туфайли), ўз интилишлари, амалий фаолияти ва муносабатлари билан зулм ва истибдодга қурилган хонлик тузуми разолатини кескин рад этдилар, умр бўйи уни лаънатладилар ёки шу қонун-қоидаларнинг қурбони бўлдилар. Мана шунинг ўзи романлардаги қаҳрамонлар руҳи чуқур романтик кайфият билан йўғрилганлигини кўрсатиб турибди. Юсуфбек ҳожининг хонлик тузумини слоҳ қилиш ҳақидаги юқорида келтирилган фикрлари ва Анварнинг Худоёрхонга қарши танҳо исён кўтариши, абжирлик билан Раёно иккови Тошкентга қочиб кетиши лавҳаларида ёзувчи эстетик идеалининг етакчи томонлари очиқ-ойдин намоён

бўлади. Ўзига хос бу исёнкорона хатти-ҳаракатлар тасвирда ёзувчи реалистик принципга изчил амал қилади. Ўтмиш феодал жамиятининг маразларини, омма бошига тушган кулфатларни ҳаётий воқеалар, кескин зиддиятлар, кишилар тақдири мисолида ҳаққоний тасвирлаб, бугунги чароғон замонамизнинг улуғворлигини буюк эътиқод билан тасдиқлайди. Мана шу муҳим фазилатлари билан А. Қодирий романлари эстетик идеалининг ҳаётийлиги, қаҳрамонларининг романтик руҳи билан халқ дostonларидаги фантазиядан, романтик тасвирдан юқори туради, уни чуқур замонавий масалалар билан бойитади, мазмунан янги поғонага кўтаради. Ўзбек совет прозаси реализмида романтик тасвирларга йўл очувчи йўналишнинг туғилишида А. Қодирий романлари янги бир босқични ташкил этди. Революцион романтизм руҳи билан йўғрилган соф реалистик асарларни ўттизинчи йилларда Садриддин Айний, Ҳусайн Шамс, Ойбек ва бошқа ёзувчилар ижод қилдилар. А. Қодирий иккинчи тасвирлари ҳақида гапирганда устоз санъаткор сифатида асарлари тилини гоят пухта ишлаганлиги ва бу масала махсус тадқиқот объекти эканлигини тан олсаёда, кузатишларимизни бир-икки оғиз айтиб ўтмоқчимиз.

Абдулла Қодирий жонли халқ тилининг бой хазинасидан асарларида катта маҳорат ва масъулият билан фойдаланди. Нутқ маданиятини, муомала одобининг кўркам намунасини кўрсатди. Бу жиҳатдан хатлар гоят ибратлидир. Халқ таъбири, мақол ва маталлар, образли ибора ва ифодалар, ҳикматли сўзлар қаҳрамонларнинг индивидуал хусусиятларини очишда, турли вазиятдаги кайфиятларини беришда унга жуда қўл келган. Халқнинг сўз бойлиги ёзувчи ихтиёрига ўтганда, улар фикрларни аниқ, таъсирчан ифодалашга хизмат этади, хилма-хил хулқли персонажлар фаолияти, руҳий кечинмаси ҳақида ўқувчида равшан тасаввур ҳосил этади, образларга жонлилик, ҳаётийлик бахш этади. «Ўтган кунлар» романидан мисоллар келтирамиз. «Киши давлат учун эрга теккандан ерга тегсин», «...бўлмаганларга бўлишмоқчи бўлиб умримнинг ниҳоясига етиб қолдим», «...ҳали сен менинг совунимга кир ювиб кўрганинг йўқ», «Бузоқ яхши бўлса икки онани эмар экан», «Қарс икки қўлдан чиқади», «Қампирнинг дарди ғўзада, сичқоннинг кўзи донлик

кўзада», «Зўри беҳуда миён шиканад», «Эгасини сийлаган нтига суяк ташлар», «Устимдан бир челақ совуқ сув қуйгандек энтикдим», «Оёғи куйган товуқдек тўрт томонга югура бошладим», «Тиканга агнаган каби азобланар эдим», «Муҳаббат деган парса ҳуснга қарамайди» ва бошқалар.

Абдулла Қодирий асарларида, айниқса мазкур таърихий романларида халқ тилининг ранго-ранг маъно жиоларини кўйлаб учратиш мумкин. Биргина мисол келтирамиз. «Ўтган кунлар» романида «Хайрихоҳ қотил» бобида Кумуш отаси билан уйлари орқасида рўй берган фожиали воқеадан хабар топиб сўзлашмоқдалар. Қарангки, содда дил одамлар тушунчасида ёмонларнинг жазоланиши ҳам, бегуноҳларнинг омон қолиши ҳам — ҳаммаси худодан деб йўйилади. Китобхон эса, бу воқеаларнинг сабабкори ким эканини аниқ билиб турибди. Бироқ қутидор нутқида инқилобдан аввал яшаган художўй ўзбек савдогарларининг муҳокама доираси, диний эътиқоди ва қарашларидаги ўзига хос тор тушунчалар кўзга ташланади. «Худонинг қандай ҳикматлари бордирки, шу кеча-кундузларда бизнинг теваганимизда қонли воқеалар кўрила бошлади: бугун никоҳ деганимизда Комилбекни ҳаммомда ўлдириб кетдилар, кеча уйимиз орқасида бир эмас, уч киши ўлдирилдилар. Худо охирини бахайр қилсин, энди!». «Бизга ёмон ният билан қараган бўлсалар, худо жазоларини берди. Бизга хайрихоҳ бўлганларнинг ҳам хайри жазоларини берар!» (251—252-бетлар). Шу бобда ёзувчининг диний тушунчаларга маълум танқидий муносабатлари ҳам яширин ифодаланган.

Абдулла Қодирий романларида юқорида кўриб ўтганимиздек, табиат манзаралари, воқеалар динамикаси, портретлар, қаҳрамоннинг руҳий кечинмалари гоъят нозик, маҳорат билан чизилган. Ёзувчи халқ тилининг ифода воситаларидан сахийлик билан фойдаланади. Бунга романларнинг ҳар бир бобидан исталганча мисоллар келтириш мумкин. «Ой этак билан ёпилмас» халқ мақолн сарлавҳа ўрнида бериладик, ундаги умумий фикр конкретлашган ҳолда Отабекнинг хайрихоҳ қотиллик қилгани отасига етиб маълум бўлганига писбатан жуда ўринли қўлланган. Бу хусусда отаболанинг мунозараси гоъят жиддий тус олади. Юсуфбек ҳожи табиатида сокинлик, пугқ оҳангида вазминлик,

ҳамиша ақл ва нисоф юзасидан иш тутишга одатланган. Ҳар бир ишнинг кетини ўйлайдиган, сермулоҳазали, «шарқ оталиги вазияти» унинг фикр-ўйларида, сўзларида индивидуал белгилари билан жонли гавдалантирилганлигини юқорида ҳам кўрдик. Юсуфбек ҳожи кези келганда ўз хатоларини тан оладиган киши. Ёзувчи баъзан ота-бола ўртасидаги кескин муносабатни қисқа, лўнда диалогларда очиқ кўрсатади (гап Отабекнинг қотиллиги устида бораётир).

— Ким сени мажбур қилди, ахир?

— Сиз, онам!

— Эсинг ўзингдами, йигит?

— Ўзимда,— деди ўғил,— сиз ўзингизнинг орзу-ҳавасингиз йўлида мени мажбур қилдингиз ва душманларимга йўлни катта қилиб очиб бердингиз, мен бу жониворликни хоҳ, нохоҳ ишлашга мажбур қолдим!

— Хом сут эмган бандамиз!— деди. Хайр, бу айбону бизнинг бўйнимизга қўясан, дарҳақиқат кўйингизга қўйингиз ҳам боради... (302—303-бетлар). Отасидан, Марфилондан Мирзакарим қутидордан хат келган хабарини эшитгунча Отабекнинг «юраги қайнаган ошдек шопирилар эди». Бу ўхшатиш қўпроқ салбий персонажларга нисбатан халқ достонларида «ичи ошдек қайшайди» шаклида учрайди. Ўзоқдан соғинган ёрнинг ёзган мактубини қўлига оларкан, «юраги ёмонлаган отдек тишириллар эди». Ёр мактуби — ёр висоли бўлиб туюлади унга. Асов отдек безовталаниш тасвири Отабекнинг шу вазиятдаги ҳолатини жуда муносиб тасаввур эттиради. Ҳомиднинг ғаламислиги, зимдан яхшиларга чоҳ қазиб ёмон ниятда юришини ёзувчи уста Парфи тилидан шундай тасвирлайди: «Аммо мен йигирма йиллаб шунинг уйида қолиб сира ҳам Ҳомиднинг ичидагига тушуна олмас эдим ва ҳамиша қўзимга димланган қоронғи ўрадек қўрқинч кўринар эди».

Абдулла Қодирийнинг ўзбек совет адабиёти тараққиётидаги буюк хизматларидан бири шундаки, у умум-халқ тилининг бой хазинасига ҳамиша мурожаат қилиб, уни адабий шаклга, кенг истеъмолга киритиб, бадий тил даражасига кўтарди. Унинг тасвири, баёни, тавсифига кўчган ҳар бир ибора, сўз сермаъно жумлаларда сайқал топади, ўзбек халқи бадий тафаккурини ривожлантириш омилига айланади. Қаҳрамонларнинг характер мантиқига монанд келадиган муҳим томонлар-

га ёзувчи ўз баёнида алоҳида урғу бериб, уларнинг индивидуал нутқи орқали характерлар яратади.

Такрор айтамыз, Абдулла Қодирийнинг бадий тил бобидаги маҳорати алоҳида тадқиқотни талаб этади. Шундай эса-да, унинг 1914—1916 йиллари яратган «Улоқда», «Жинлар базми» каби ҳикояларида, фелъетонларидаёқ ўтмиш давр насрига хос бўлган китобий тилдан воз кечиб, бадий тилни халқ тилига яқинлаштириш тажрибасига эришганлиги таҳсинга лойиқ. Бу йўлдаги кураш унинг романларида изчил давом эттирилди ва юқори поғонага кўтарилди. Бинобарин, ёзувчининг бадий тил соддалиги ва кўркемлигини сақлаб қолиш ва ривожлантириш борасидаги интилишлари кўп санъаткорларга ибрат бўларли натижа билан якунланди. Унинг сўз устаси сифатида фаолияти, маҳорати, устозлиги, мураббийлиги билан ҳамон янги авлод ёзувчилари диққат ва муҳаббатини ўзинга тортиб келмоқда, ўргатмоқда, ўйлатмоқда.

Абдулла Қодирий улкан устоз санъаткор сифатида ўз романларида ўлмас образлар яратди. «Ўтган кунлар» қаҳрамонларига шу номдаги фильмда (постановкачи-режиссёр Йўлдош Аъзамов) янги ҳаёт бахш этилди. Бу фильм ижодкорлари 1970 йили Ҳамза мукофотига сазовор бўлди. Унинг романлари ўзбек ва қариндош тиллар тилида, ҳатто чет элларда нашр этилди, жумладан «Ўтган кунлар» романи «Тошкентлик ошиқлар» номи билан немис тилида чоп этилди. Бу асарлар совет адабиётининг олтин фондини ташкил этади. Абдулла Қодирийнинг сўз устаси сифатида образларни индивидуаллаштириш санъати, портрет ва пейзаж яратиш маҳорати, тили, услуби, реализми, баъдий ижодининг бошқа кўп томонлари хусусида кейинги йилларда адабиётшунос олимлардан проф. Иззат Султонов, Ҳомил Ёқубов, Матёқуб Қўшжонов, Аҳмад Алиев ва бошқаларнинг қимматли ишлари эълон қилинди. Ёзувчи ижодий меросининг ҳали айрим муҳим томонлари, масалан тил ва услуб, фабула, сюжет ва композиция яратиш бобидаги усталиги каби муҳим хусусиятлари кенг, қиёсий пlands текширишни талаб этади.

Биз бу ишимизда сеvimли ёзувчимизнинг асосан халқ оғзаки ижодига муносабатини, асарларидаги халқчил реалистик чизиқларни очишга бир қадар интилдик. Унинг ҳаёт манзараларини чизишда қаҳрамонлар психологиясини ёритишда, қизиқчилик санъатидан тортиб, фольклоримиз образлари, мотивларидан қанчалик баҳра ололгани ҳақида баъзи фикрлар баён этдик. Ўзбек ёзувчилари ажойиб талант соҳиби А. Қодирийдан халқ жонли тили бойлиги хазинасидан нечоғлик усталик билан фойдаланишни ўрганар эканлар, унинг

ҳаётдаги воқеа, ҳолат, вазиятларни эсдан чиқмайдиган қилиб оригинал тасвирлай олиш маҳоратига («Жинлар базми», «Улоқда» каби), образларни кенг мушоҳадакор, ички мулоҳаза ва муҳокамага бой, курашда тadbирли, рақиблари қаршисига маълум режа, ақл-мантиқ кучи билан чиқадиган, инсон сифатида мукамал шаклланган турли тоифадаги гуруҳларни жонли типлар даражасига кўтара олиш санъатига ҳамон таҳсин ўқиб келадилар. Ҳўла ишонч билан айтиш мумкинки, ўзбек адабиётида проза жанри тараққиётига муҳим ҳисса қўша олган Ойбек, Абдулла Қаҳҳордек атоқли сўз усталари Абдулла Қодирий бошлаб берган реалистик ижод йўлини, халқчиллик анъаналарини изчиллик билан ижодий давом эттириш эвазига янги, юқори ижодий поғонага кўтарилар олдилар, социалистик реализм ижодий методининг энг яхши намунаси бўла олган ғоявий-бадний етук асарлар яратдилар. Абдулла Қодирий Отабек билан Кумушбиби, Анвар билан Раъно ўртасидаги севги тароналарини тасвирларкан, ўқувчини муҳаббат қасри сари, севишганлар кошонаси томон етаклайди, чин севгининг тобланиш жараёни билан бирма-бир таништиради, ўз қаҳрамонларини ишқ машаққатининг чўлбиёбонларидан, садоқатнинг баланд тоғларидан олиб ўтади.

Олтин, кумуш ўтга тушиб беғубор бўлганидек, севги ҳам адолатсиз замоннинг инсон эркини сиртмок бўлиб бўғувчи муҳитида асло сўнмади. унинг ойнасига тош отилган бўлса-да, бу олтин севги калблардан калбларга парвоз этувчи қўшиқдек авлодларга мерос бўлиб қолди. Бинобарин, у ўлмади — яшади. илдиз отли, гунчалар очди, гуллади, гуркираб яшнади, кўпайди.

Абдулла Қодирий классик адабиётимиз ҳамда кенг маънодаги халқ эпосининг энг илғор анъаналарига амал қилиб, ўз асарларида аёлларни улвг зот, баркамол инсон даражасида гавдалантирди. Аёллар оламининг буюк маънавияти, нурдек поклигини ва барча инсоний гўзалликларни ўзига хос оташин бир муҳаббат билан тасвирлади. Зулмат ҳукмрон бўлган бир замонда яшаб умр ўтказган мазлума аёлларга алоҳида эҳтиром ва ҳурмат билан қараб уларни мунис ва меҳрибон она, вафодор маҳбуба ҳамда жафокаш дўстга хос олижаноб сиймоси қаршисида таъзим бажо келтирди. Иқболи забун Кумушбибилар тақдири мисолида ҳаё-

ти заҳарланган, бутун умри хазон бўлган мазлумаларнинг бахти қора билан ёзилганини ва бунинг чуқур социал сабабларини моҳирона ифодалади. Уша машъум хонлик замонларида Кумуш ва Раънолар, Отабек ва Анварлар яхшилик ва эзгулик, дўстлик ва самимийлик тимсоли сифатида ўтмишнинг зимзиё кечасида бир юлдуз мисол чарақлаб кўриндилар.

Абдулла Қодирий реализми фақат ўзбек халқ оғзаки ижодининг демократик анъаналаридангина эмас, балки ўзбек классик адабиёти, араб романчилиги ҳамда рус ва жаҳон классик адабиётининг илгор тенденцияларидан озиқланиб етилди. Унинг реализми ўзбек совет адабиётида социалистик реализм ижодий методининг шаклланиш, ташкил топиш даврига тўғри келади. Бироқ, унинг романларида ҳаётбахш романтик руҳ, образларнинг кучли психологик таҳлили реалистик тасвир билан бирлашиб, қўшилиб кетади. Бу ўз навбатида ифода воситаларининг бўёқдорлиги, тилнинг жазибдорлиги ва ҳаётининг, бинабарин, асар мундарижасининг халқчиллигини белгилаб турибди. Шундай қилиб, ёзувчининг образ яратишдаги бадий маҳорати ижтимоий воқеликни коммунистик идеаллар позициясидан туриб тасвирлашда реалистик йўналишга асосланган ҳолда романтик руҳни сингдириб боришида намоён бўлади.

Машҳур шарқшунос олим Е. Э. Бертельс айтганидек, ўзбек романчилик мактабини Абдулла Қодирий яратиб берди. Қодирий санъаткорлиги сирларини очишда адабиётшуносларимиз ҳали қарздорлар. Унинг ижодига берилган юксак баҳолар шуни тақозо этади. «Абдулла Қодирий (Жулқунбой) йигирманчи йиллардаги бутун совет туркий тиллар прозасининг энг зўр устаси» (Мухтор Авезов). Бу адиб ижоди адабиётимиз равнақида фольклор анъаналарининг ўрни ва роли масалаларини кенг кўламда ўрганишда ҳам бой материал беради. Шунингдек, Қодирий асарлари бадий тилимизнинг печоглик гўзал, маънодор ва жозибали тил эканлигини кўрсатиб турибди. Ойбек: «Қодирий ғоят баркамол, ажойиб табиатли, нодир сиймо эди. Унинг прозаси, адиб биринчи навбатда, ҳаётни бениҳоят чуқур билганлиги, романларидан уфуриб турган халқ тилининг қудрати беқиёс, қанотли ва асов

тошқинини бемисл эгаллаганлиги билан кишини тонг қолдиради»,— деган эди.

Ўзбек ёзувчилари ҳассос санъаткор устоз Қодирийдан маҳорат сирларини ўрганадилар.

Адабиётимизнинг забардаст вакилларида бири-нинг ижоди ярим аср ўтса ҳамки, ҳамон бақувват чинордек яшнаб турибди. Чунки бу азамат чинорнинг илдизлари она ер бағридан куч-қудрат олган, бу ижод меҳнат аҳли кунглидан сув ичган. Шунинг учун Абдулла Қодирий халқ назарига тушишдек, унинг меҳр-муҳаббатига, беқиёс ҳурматига сазовор бўлишдек улуғ мукофотга муяссар бўлган устоз адиб. Бу — совет ёзувчисининг чинакам улкан бахтидир.

Абдулла Қодирийнинг романлари, ҳикоялари, ҳажвиялари худди «Тоҳир ва Зухра», «Фарҳод ва Ширин» афсоналари, улуғ Алишер Навоийнинг ўлмас асарлари каби халқимизнинг ўз мулкига айланди. Бу романларнинг бевосита ўзбек совет адабиёти ривожига тутган ўрни, қардош халқлар адабиётига ижодий таъсир кучи, умуман ғоявий-эстетик, ахлоқий-тарбиявий аҳамияти ва салмоғини ўйласак, улар мисолида адабиётнинг ҳаёт билан обдан бирикиб кетганлиги намунасини кўрса бўлади. Отабек ва Кумуш, Анвар ва Раъно образлари эл дилига яқин, суюкли жонли кишилар бўлганидан ҳануз самимийлик ва садоқат, виждоний поклик ва тўғрилиқ рамзи сифатида ҳозирги замон ёшларини юксак инсонийлик руҳида тарбиялашга хизмат қилиб келмоқда. Шу сабабли халқимиз ўзининг севимли, заҳматкаш санъаткорини бошига кўтаради, унинг қутлуғ номини миннатдорлик билан ардоқлаб, ҳамиша юрагининг тўрида сақлайди.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Севги ҳарорати ва ҳалокати	6
Ишқ исёни	26
Қизиқлар ва ҳажвиёт	34
Солиҳ маҳдум тузоқ қўяди	47
Хотима ўрнида	64

Собиров Охунжон.

Сарлагичи эдиб ижодига Т. «Фан»

1975.

68 б.

Сабиров Охунджан. Фольклор в творчестве писателя.

8Ўз2

На узбекском языке

Охунджан Сабиров

ФОЛЬКЛОР В ТВОРЧЕСТВЕ ПИСАТЕЛЯ

Ўзбекистон ССР илмий-оммабон китоблар

тахрир ҳайъати томонидан нашрга тасдиқланган

Мухаррир *Н. Раҳимова*

Техмуҳаррир *Р. Иброҳимова*

Корректор *М. Қамбаров*

Р08540. Теришга берилди 15/IX-75 й. Босишга рухсат этилди 21/X-75 й. Формати 84×108¹/₁₆. Босмаҳона қогози № 1. Босма л. 3,57. Қоғоз л. 1,06. Ҳисоб-нашриёт л. 3,3. Нашриёт № 1320. Тиражи 7000. Баҳоси 13 т. Заказ 221.

ЎзССР.Фан* нашриётининг босмаҳонаси, Тошкент, М. Горький проспекти, 79.
Нашриёт адреси: Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.